Тошкент оқшоми

Иҳтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 215 (7. 904) 1991 йил 6 ноябрь, чоршанба ◆ Нархи 8 тийин

Меҳнат жамоаларида

ИЛҒОР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

БУНДАН атиги бир йил муқаддам, 31-цехнинг 1-бўлинмаси СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида энг қолоқ жамоалардан бири ҳисобланарди. Сўнгги 6 ой ичида эса бу жамоа цехдаги бўлинмалар ўртасида ўтказилган мусобақада кетма-кет биринчи ўринни эгаллади. Бу қувончли хабар бизни ана шу бўлим сари йўллади.

31-цехга кираверишдаги йўлакда, 1-бўлим бошлиғи Ҳусан Сувоновни учратиб қолдик. У цехдаги ёшлар ҳисоботи ёзилган варақани бирлашма ёшлар қўмитасига бериб қўйиш учун кетаётган экан. Бу бежиз эмас албатта. Чунки, у айни пайтда 31-цех ёшлар қўмитасининг котиби вазифасини ҳам бажариб келади.

— Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, — дейди у салом-аликдан сўнг, мақсадимизни эшитиб. — Қани марҳамат, бизнинг бўлимимизга бир ўтиб кетинг-чи.

Бўлим бошлиғи шундай деб бизни цех томон етаклади.

— Жамоамиз 3 та бригададан ташкил топган. Жами 37 киши меҳнат қилиб келамиз. Цех аслида «Белорусь» тракторини йиғишга ихтисослашган. Бизнинг бўлимимиз эса, унинг олдинги ўқига чанғи деталларини ишлаб чиқаради. Мени мазкур бўлимга ўтган — 1990 йилнинг бошида бошлиқ этиб тайинлашганди. У пайтда жамоамиз жуда танг аҳволда эди. Ҳам ишчи ходимлар, ҳам эҳтиёт қисмлар етишмаганлиги туфайли режаларимиз бажарилмай қоларди. Ишни худди ана шу камчиликларга барҳам беришдан бошладик. Бўлинмамизга кўпроқ ўзбек йигитларни жалб қилдик. Завод маъмуриятидан цехимиз ҳисобига қўшимча маблағ олиб уларни мукофот пуллар билан рағбатлантира бошладик. Узайтирилиши керак бўлган эҳтиёт қисмларни эса 1 ва 3-цехлардан қаттиқ назорат қилиб оладиган бўлдик. Ўз вақтида етиб келмаган ёки яроқсиз деталлар учун улардан жарима талаб қилдик. Натижа чакки бўлгани йўқ. Ярим йил ичида илғорлар сафига чиқиб олдик. Ҳозир ҳаммаси жойида. Мен шахсан ёш жонкуяр ишчилардан жуда миннатдорман. Улар мени тўғри тушунишиб, яқиндан ёрдам кўрсатишди. Ишчилар етмай турган пайтида улар 1,5 сменада ишлашиб, йўқотганларимизни бироз тўғрилаб олдик.

Вазиятни етарлича англаш мақсадида бригадалар томон юрдик.

— Бу киши бизнинг энг илғор 1-бригадамизнинг сардори Ўрол Умаров бўладилар, — деб таништирди бўлим бошлиғи дастгоҳ ёнида турган баланд бўйли кишини.

— Ўтган йилнинг февраль ойида бирваракайига сафимиздан 7 та илғор ишчи маош камлиги туфайли бўшаб кетди. Ишимиз бутунлай тўхтаб қолади деб ўйлагандик ўшанда. Аммо аксинча бўлиб чиқди. Тажрибали кекса ишчиларимиз ўрнини ёш, эндигина аскарлик хизматини ўтаб қайтган йигитлар эгаллашди. Уларнинг ғайрат ва шижоатлари туфайли бригадамиз илғорлар қаторига чиқиб олди.

Ҳозир хўжалик ҳисобида иш юритаётганимиз учун ишлаб чиқараётган деталларимизнинг ўзимиздан ортиб қолаётган қисмини Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига сотаяпмиз. Чунки биз ишлаб чиқараётган олдинги ўқ чанғилари пахта териш машиналари учун ҳам жуда асқотади. Шунинг учун улар бизнинг маҳсулотларимизни жон диллари билан сотиб олмоқда.

Бундан ташқари деталларимизнинг яна бир қисмини ҳар чоракда 60 донадан республикамизнинг турли жамоа ва давлат хўжаликларига сотишни йўлга қўйдик. Келаётган даромаднинг бир қисми бўлимимиз ишчиларига мукофот тариқасида бўлиб бериляпти.

Биз бригаданинг ишчиларига муваффақиятлар тилаб, 2 ва 3-бригада жамоаларига ўтдик.

— Бригадамизда 11 киши меҳнат қилади, — дейди 2-бригада бошлиғи Х. Холтунов. — Биз ўнг корпус редукторн деталини ишлаб чиқарамиз. Эришаётган ютуқларимизда М. Маматов, А. Абдуқаимов, А. Пўлатов сингари азамат йигитларимизнинг ҳиссалари салмоқли.

— Мана бу йигитлар кўтараётган деталнинг оғирлигини кўряпсизми, — деб гапга аралашди 3-бригада бошлиғи В. Щеховцев. — Бу қўл вали. Жамоамизда меҳнат қилиб келаётган 16 та забардаст ишчи ана шундай муҳим эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаради. Яқинда биз ана шундай муҳим деталимизнинг бирлашмамизда тўлиқ ишлов берилгандан сўнг 1 сўму 24 тийин баҳоланишини сезиб қолдик. Биз ҳозирги бозор шароитида ана шу ҳисоб билан иқтисодчиларимизнинг бизга ҳақ тўлашларига асло розн эмасмиз.

Биз бу бўлинма иши билан танишиб чиққач жамоанинг қолоқлар сафидан илғорлар қаторига кўтаришнинг ўзи бўлмаганига ишонч ҳосил қилдик.

Назрулло ҲАМРОЕВ.

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. С. Шушкевич бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 5 ноябрь куни Тошкентга келди. Делегация таркибида Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов, Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари В. А. Заламай бор.

Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида С. С. Шушкевични, бошқа раҳбарларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Ў. Қ. Исмоилов, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Б. И. Бугров кутиб олдилар.

Делегация музокаралар олиб бориш ва республикалар ўртасидаги шартномани имзолаш учун келди.

(ЎзТАГ).

Бирodарлашган шаҳарлар дўстлиги

СИЭТЛ—ТОШКЕНТ «КИТОБ КЎПРИГИ»

Бирodарлашган шаҳарлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи бундай олиб қараганда камтарона бўлса-да, яна бир саҳифа билан бойиди. Америкaнинг узоқ Сиэтл шаҳридан Ўзбекистон Республикасининг пойтахтига Тошкент Давлат дорилфунуни ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмгоҳи талабалари, ўқитувчилари ва илмий ходимлари учун жуда ҳам қимматли ҳамда зарур бўлган китоблар ва ўқув қўлланмалари келтирилди.

БУ НОДИР адабиётни Сиэтл кутубхонаси дўстлари уюшмаси орқали тошкентлик талаба ва ўқитувчиларга «Интернешнл Трэвел Асосиитц» компаниясининг вице президенти Мелани Гроу ва «Камас Кодвэкс» компаниясининг (ишлаб чиқаришни дастурли таъминлаш билан шуғулланувчи компания) вице-президенти Майкл Гроч совға қилдилар. Яна бир компания — «Джие энд Буш Компани» вакили Жюлия Фолк ана шу адабиётларни жўнатиш учун барча зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштирди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, китобларни йиғиш ва уларни жўнатишда Тошкент Давлат дорилфунунининг Америка Қўшма Штатларида малакасини ошираётган талабаси Равшан Долимов ҳам фаоллик кўрсатди.

Шимолий Америкадан Ўзбекистонга юборилган бу ғалати юкнинг босиб ўтган йўли ҳам қизиқарлидир. Аввалига Мелани Гроу ўз компаниясининг маблағи ҳисобига Сиэтлдан Канаданинг Ванкувер шаҳрига бу китобларни келтиришга эришди. Шундан кейинги босқичда Узоқ Шарқдаги компания ёрдамга келди — бу компания китобларни Ванкувердан Владивостокка бепул келтирди.

Владивостокнинг денгиз савдо порти божхона назоратидан ўтишда ёрдам берди, кейин эса порт ходимлари бу китобларни аэропортга келтирдилар. Ва ниҳоят «Джи Ти Ай Эл» компаниясининг, Совет-Жанубий Корея қўшма корхонаси бўлмиш «Сантака» ва «Мовараннаҳр» хайрия ташкилотининг вакиллари бу юкни Владивостокдан Тошкентга келтиришда ғайрат ва ҳиммат кўрсатдилар.

Хуллас, бу ғайритабиий ва ғалати хазиналар юки шу йўсинда келтирилди. Шуни ҳам айтиш керакки, шу хайрия тадбири жараёнида «Джи Ти Ай Эл» компанияси ва «Сантака» қўшма корхонаси «Мовараннаҳр» ташкилоти лойиҳаларининг ҳаётга жорий этилишидан манфаатдор эканликлари ҳам маълум бўлди. Уларнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳаёти, унинг расм-русмлари, анъаналари ва маданиятини хорижий элларда кўрсатишдан иборатдир.

Биз ҳикоя қилган бу воқеани туркларнинг «Нима ўқиганингни эмас, балки нимани тушунганингни ҳикоя қилиб бер» деган мақоли билан якунлашни истар эдик. Ҳа, дарҳақиқат, китоблар шу пайтга қадар энг яхши совға бўлиб келган. Халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик эса океанлар ва денгизлар билан бўлинган бўлса-да, бизнинг эртанги яхши кунларимизнинг ишончли гаровидир.

Ғулом ҒАФУРОВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Бугун Гулистонда Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Ушбу байрам Сирдарё вилояти пойтахтига чўлга ҳужум бошланган Янгиердан келди.

● Урганч тайёрагоҳи яна ишлай бошлади. Йил бошида кучли ёмғирдан жиддий зарар кўрган тайёрагоҳнинг учиш-қўниш йўлакларига мустаҳкам қопламалар ётқизилди, парвоз майдони анча кенгайтирилиб, бино таъмирланди. Ҳозир Урганч тайёрагоҳи «ИЛ—76», «ИЛ—86» замонавий ҳаво кемаларини ҳам қабул қила олади.

● Фарғонада муаллимлар учун ташкил этилган, бир вақтнинг ўзида 200 киши даволанадиган санаторий-профилакторий очилди.

● Бухорода мақом дасталарининг жумҳурият кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданият вазирлиги, жумҳурият Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети энди 14—15 ноябрь кунлари катта ашулачилар ва оилавий дасталар кўригини ўтказишни режаламоқда.

ИТТИФОҚДА

● СССР Давлат Кенгашининг 4 ноябрь куни Кремлда бўлиб ўтган мажлисида 15 ноябргача 36 та умумиттифоқ вазирликлари, шунингдек 37 та идора тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзаро келишувга мувофиқ умумиттифоқ мудофаа, ички ишлар, темир йўллар, энергетика, атом энергетика саноати вазирликлари сақлаб қолинади. СССР ташқи ишлар вазирлиги энди ташқи алоқалар вазирлиги деб номланади, унинг таркиби камида учдан бир қисмга қисқартирилади. Фуқаро авиацияси, денгиз флоти вазирликлари, яна бир қанча бошқа идоралар фаолиятини уч ойдан олти ойгача давом эттиришга ҳам рухсат берилди. 12 ноябрда Олмаотада ўтказиш режаланган Давлат Кенгашининг навбатдаги мажлисида бу ҳақда узил-кесил қарорлар қабул қилиниши керак.

● Москва ишчилар кенгаши 7 ноябрда Улуғ Октябрь Социалистик инқилобининг 74 йиллигига бағишлаб анъанавий байрам намойишини ўтказиш ниятида эканлигини билдирди.

● Озарбайжонда 7 ва 8 ноябрь иш кунлари, деб эълон қилинди. Республика Олий Кенгаши бунинг учун меҳнат тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритди.

● Қрим АССР Олий Кенгашининг раёсати «Референдум тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун 22 ноябрда навбатдан ташқари сессияни чақиришга қарор қилди. Қримдаги қатор жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ушбу қонун қабул қилинғач, 1954 йилда Қримнинг Россия таркибидан Украинага бериш тўғрисидаги ҳужжатларни бекор қилиш хусусида референдум ўтказилишини талаб этиш ниятидалар.

ХОРИЖДА

● Шу йил 1 ноябрдан бошлаб Чехословакияда озиқ-овқат маҳсулотлари эркин нарх-навода сотила бошланишига қарамасдан кўпгина маҳсулотлар нархи сезиларли даражада ортмади.

● Ҳукмрон либерал-демократик партиянинг 72 ёшли етакчиси Киити Миядзава сешанба куни Япония тарихида қирқ тўққизинчи Бош вазир қилиб сайланди. У ўз ҳукуматини тузишга киришди.

● 20 декабрда НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида хавфсизлик муаммолари бўйича учрашувда биринчи марта бу Шимолий Атлантика блоки вазирлари билан биргаликда тўққизта Шарқий Европа ҳамда учта Болтиқ давлатларининг ташқи ишлар вазирлари иштирок этишлари мўлжалланмоқда.

«ОРЗУ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН болалар уйлари ва мактаб-интернатлари тарбиялануучилари ҳўшмаси кўп болали оилаларга ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан қатор тадбирларни белгиламоқда. Уюшма ҳузуридаги ҳўжалик ҳисобидаги «Орзу» фирмасининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди.

Мазкур фирма ҳозир жойларда еттита филиалига эга. Шулардан иккитаси Тошкентда фаолият кўрсатмоқда. Унинг Қашқадарё вилоятидаги филиаллари ташаббуси билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон нархда сотиш амалга оширилди. Қашқадарё вилоятининг Китоб, Чироқчи ва Шаҳрисабз районларидан юборилган турли сабзавотлар арзон нархда пойтахтимизнинг Чилонзор районида истиқомат қилаётган кўп болали оилаларга тарқатилди.

Бундай хайрли ишни йўлга қўйишда ҳўжалик ҳисобидаги «Орзу» фирмаси ҳам жонбозлик кўрсатди.

Саодат ОДИЛОВА.

ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБА

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА давлат тилини ўрганиш борасида дастлабки тажрибалар орттирилди. Болаларда ёшликдан ўзбек тилига меҳр-муҳаббатни ошириш йўлида ҳам муҳим таълимий тадбирлар кўрилмоқда. Буни Тошкентдаги 245-болалар боғчаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Мана, бир неча йилдирки, мазкур тарбия даргоҳида кичкинтойлар билан ўзбек тилида турли қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Боғча тарбиячилари ижодий гуруҳи ана шу таълимий жараёнларни илмий-услубий йўсинда таҳлил қилиб, тил ўқитишга доир тавсияларни тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу эса боғча шароитида тил ўқитишга доир услубий ишланма учун асос бўлиб хизмат қилди.

Маҳаллий бўлмаган миллат болаларига ўзбек тилини ўргатишга қаратилган ана шу ҳужжат шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланиб, тасдиқланди.

Анвар АЛИБОЕВ.

Шу куннинг мавзусида

Рустам АҲМЕДОВ:

«МУСТАҚИЛ ЮРТГА АЛП ЎҒЛОНЛАР КЕРАК»

● Юртимизда мустақиллик шамоли эсаётганига ҳам, мана икки ой бўлди. Ҳаётимизнинг турли жабҳаларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардияни ташкил этиш ҳақидаги фармони ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган. Бундан сўнг қисқа вақт ўтган бўлса-да, айрим ишлар қилинди, табиийки, келажакда ҳал этилиши лозим бўлган режалар ҳам анчагина. Муштарийларимизни вазирликнинг фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири ва Миллий гвардия қўмондони генерал-майор Рустам Аҳмедов (дарвоқе, куни кеча унга шундай юксак унвон берилди) билан суҳбатда бўлди.

— Рустам Ўрмонович, аввалambор оқшомхонилар номидан сизни генерал-майор унвони билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Ўзбеклар азалдан кўп болали, болажон халқ. Деярли ҳар бир оилада ҳарбий хизматга чақириладиган йигитлар бор. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматга таллаётган ҳар бир йигитнинг оталарининг ва оналарининг катта қизиқиш билан кутишади. Айтингчи, вазирлигингиз томонидан шу соҳада ҳозир қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам республикамиз тарихида илк бор ҳарбий хизматга чақириқни биринчи марта ўзимиз ўтказяпмиз. Яъни ўзбекистонлик болаларнинг қаерда хизмат қилишини ўзимиз ҳал этамиз. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига асосланиб, шу йилнинг октябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон фуқароларини СССР ҳарбий кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинларига хизматга чақириш юзасидан мамлакат мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида битим тузилди. Кузги чақириқда Ўзбекистондан режадаги кўпчилик армия хизматига боради. Туркистон ҳарбий округида хизматни ўтайдиган ўзбекистонлик чақирилувчиларга республика ҳудудидаги қисм ва бўлинмаларда хизмат қилиши учун тайёргарликни бошқа республикаларда ўтказишга рухсат берилади. Битимнинг яна муҳим томонларидан бири шундаки, ҳамюртларимиз фақат Туркистон, Волгабўйи-Урал ҳарбий округлари, Шимолий ва Ғарбий қўшинлар гуруҳи, Узоқ Шарқ ҳарбий округи, Приморье алоҳида чегара қўшинлари округи ва Тинч океани қўшинларида, шунда ҳам 60 даража шимолий кенгликкача бўлган ҳудудларда хизматларини ўтайдилар.

Йигитларимиз Республикамиздан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисм ва бўлинмаларига хизматга чақирилмайдилар.

Бундан ташқари ака-укалари қисқа муддатли хизматни ўташ пайтида ҳалок бўлган ёки вафот этган бўлса; оиладаги ёлғиз ўғиллар ва акалари ҳарбий хизматни ўтаган ёки ўтаётган кенжа ўғиллар тинч вақтларда ҳарбий хизматга чақирувдан озод қилинади.

Яна, эгизаклар ва ихтиёрий хизматга борувчилардан ташқари бир вақтнинг ўзида оиладан биттадан ортиқ кишининг хизмат қилишига энди йўл қўйилмайди.

Битимдан келиб чиқиб, шу йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил октябрь-декабрь ойларида фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 3-бетда).

Тошкентликлар дастурхонига

ФАРҒОНАНИНГ НОЗ-НЕЪМАТ КАРВОНИ

ҲОЗИРГИ қийин ва мураккаб шароитда арғамчига қил қувват деган гап жуда ҳам асқотиб қолди. Дарҳақиқат, қаёққа қараманг нарх-навонинг тобора қимматлашиб бораётганлиги шоҳиди бўласиз. Ана шундай пайтда деҳқонинг кўрсатадиган ҳар бир саховати кишилар руҳини бироз бўлсада енгиллаштиради. Бу борада республикамиз барча вилоятларининг азамат соҳибкорлари йил бўйи намуна бўлишди. Шаҳримиз даҳаларида, маҳаллаларда, аҳоли кўп истиқомат қиладиган жойларда ўзбек заминида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари билан савдо-сотиқ ишларини уюштириш яхши анъанага айланди. Бундай хайрли ишдан пойтахтнинг Куйбишев райони меҳнаткашлари ҳам бебаҳра қолаётганлари йўқ. Фарғона вилоятидан келган навбатдаги карвонни тошкентликлар мамнуният билан кутиб олдилар. Ўнта машинага ортилган маҳсулотлар орасида олмаю анор, қовун ва тарвуз, картошка ҳамда пиёз ва бошқа сара маҳсулотлар бор эди. Бу маҳсулотлар билан савдо «Саёҳат» меҳмонхонаси атрофида қизигандан қизиди.

Хўш, сабзавот ва полиз маҳсулотларини тошкентликларга жўнатишда Фарғона вилоятининг қайси районлари қиммат кўрсатишди? Бизнинг бу саволимизга товаршунос Раҳматулла Мусажонов шундай жавоб қайтарди:

— Фарғоналиклар Ўзбекистон пойтахти аҳолисига бугун ҳам сара маҳсулотлар олиб келишди. Булар бу йилги олтин кузимизнинг ажойиб неъматларидир. Уларни етиштиришда вилоятнинг Киров, Ленинград, Фрунзе, Бағдод районлари қиммат кўрсатишди.

Бинобарин, ҳаридга келаётган тошкентликлар билан суҳбатлашсангиз улар фарғоналиклар саховатидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Собир БОТИРОВ.



СУРАТЛАРДА: Фарғонадан келтирилган мева ва сабзавотлар билан савдо қилиш пайти.

Рустам Шарипов суратлари.

«02» хабар беради

28 октябрдан 3 ноябрга қадар шаҳримизда 354 жиноят содир этилиб, шундан 232 таси ўтган кунлар ичида очиб ташланди.

● 29 октябрь кечқурун Полторацкий кўчасидаги уйларнинг бирида икки номаълум кимса тан жароҳати етказиш билан қўрқитиб Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар илмгоҳининг талабаси эгнидан жун кўйлак ва пойабзалини ечиб олган. Лекин район ички ишлар бўлими участка назоратчиси Войсариев ва жиноят қидирув ходими Бекпўлатовнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли туновчиларнинг бири қўлга олинди ва жун кўйлак эгасига қайтарилди.

● 31 октябрда бундан 16 кун аввал «Волга» ширкатининг ҳайдовчисига магнитофон олиб бериш баҳонасида ундан 1500 сўм пул олиб беркиниб юрган Андижон вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса ушланди.

● 1 ноябрь куни Октябрь районида ГАЗ—24 автомашинасини ўғирлаганк учун ҳеч қаерда ишламайдиган, 1967 йилда туғилган Р. ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди ва машина ўз эгасига қайтарилди. Маълум бўлишича, Р. бундан беш кун олдин яна битта «Волга»ни олиб қочган экан. Ву ҳақда ашёвий далиллар топилди.

● 3 ноябрда кийим-кечаклар бозорида Андижон вилоятида яшовчи кимса 6 та хорижда ишлаб чиқарилган жун кўйлакни 300 сўмдан олиб, 450 сўмдан сотаётганида ушланди. Умуман, ўтган яшанбада шаҳар отчопарида чайқовчилик билан шуғулланаётган 66 киши ушланди, улардаги 33050 сўм қийматга эга моллар мусодара қилинди. Возорда тунашнинг ўзига хос янги усули — буюмни кийиб кўриш шарти билан қочиб қолишнинг бир неча ҳоллари рўй берди. Милиция ходимлари томонидан 5 нафар шундай ўғрилар ушланди ва ўғирлик моллари олиб қўйилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи.

Муштарий хабар беради...

Ўзаро хоҳиш асосида

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш жараёни мактаб ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Ўқувчи ёшларни билим даргоҳларида мустақил ҳаётга пухта тайёрлаш, фойдали касб-ҳунарларга ўргатиш йўлида тадбиркорлик билан иш кўришни турмушнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу ўринда янги тузилган педагогик тажриба бирлашмаларининг афзалликларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Пойтахтнинг Киров районида фаолият кўрсатаётган бундай бирлашма янги иқтисодий муносабат ва алоқаларни йўлга қўйишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. 27, 260, 273-мактаблар ҳамда 2-ҳунар-техника билим юрти ўзаро иқтисодий ҳамкорлигида юзага келган бундай янгилик иқтисодиётга доир кўпгина масалаларни ижобий ҳал этиш имконини беради.

Таъмирлаш, пайвандлаш-йиғиш, бадиий безаш каби мутахассисликлар билан яқиндан шуғулланиш учун бирлашма қатор имкониятларга эга. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро хоҳишлари асосида бир мунча маблағни тежаб қолиш мумкин. Бу маблағлар билим даргоҳлари эҳтиёжларига сарфланади.

Сурайё ОМОНОВА.

...НИЯТ ҚИЛАДИ

Изингиздан юрсак деймиз

НИЗОМИЙ номидаги Халқлар дўстлиги нишонли Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг бешинчи курс талабалари шаҳримизнинг Фрунзе районидаги 73-ўрта мактабда амалий машғулотдан ўтдилар. Мустақил меҳнат фаолияти остонасида турган ёшларни мактаб маъмурияти илиқ кутиб олиб, тил ва адабиётга доир кўргазмалар билан жиҳозлаш учун уларга махсус хоналар ажратиб бердилар.

Мактабнинг 5-11-синфларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган талабаларга тажрибали услуб ўқитувчиларидан Мактуба Шамсиева, Саида Жамолова, Сайёра Баҳромова, Ҳамида Ғофуровалар раҳбарлик қилдилар. Улар мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари Маҳмуда Жалолова, Марҳамат Абдураҳмонова, Саодат Шермуродова, Гўзал Мираъзамовалар билан ҳамкорлик бўлғуси мутахассисларга дарсларни самарали олиб бориш йўл-йўриқлари ва усулларини ўрганишда яқиндан ёрдам бердилар. Амалиётчи талабалар дарсдан ташқари вақтларида «Алишер Навоий гулшани» номли адабий композиция, «Изингиздан юрсак устозлар», «Она тилим — давлат тилим», «Муомала маданияти» каби мавзуларда адабий кечалар ва учрашувлар ўтказдилар.

Биз олий билимгоҳнинг битирувчи талабалари, устозларимиз изидан бориб, ўқиб-ўрганиб, келажакда бутун ақл-заковатимизни ҳазрати Низомиддин Мир Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, ал Хоразмий, Форобий каби улуғ алломаларимизнинг авлодларини муносиб ҳиссамизни астойдил қўшамиз.

тарбиялаб, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига

Дурдона РИЗАЕВА,

Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳининг битирувчи толибаси.

...ИЛҲОМЛАНАДИ

Ёнида

Қайда бўлса тоза бир гул, зор булбул ёнида,
Доимо бийрон тилим лол сочи сунбул ёнида.
Дилни оғритган ёмон, оғу тиғи паррондин
Севги қолди лол, муаллақ тош кўнгил ёнида.
Сўзлаганда муз юраклар эриса ишқ уйғонib
Не кечар ошиқни ҳоли сеҳри бор тил ёнида.
Ишқ ўтида ўртанурман бўлмасамда булбул,
Майлига мисли тикандек қолсам гул ёнида.
Ҳар азобнинг роҳати бор дейдилар-ку, во дариғ,
Бу кўнгил синмасмикин абгор чил-чил, ёнида.

Зиёд КОМИЛОВ.

...МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

Наҳотки томошабин бўлишади

ЮНУСОБОД даҳасига кўчиб келганимизга ҳам 20 йил бўлибди. Бу бир йигитнинг қирчиллама ёши. Кўчиб келган йилимиз экилган кўчатларнинг ҳар бири эндиликда бир қучоқ келади.

Орадан шунча йиллар ўтибдики, шу дарахтларни экkан ташкилот раҳбарлари унинг қолидан бирон марта келиб хабар олмайдилар. Жамиятимизда эгасиз нарсанинг ўзи йўқ. Эшитишимча, бу дарахтлар ҳисобда турар эмиш. Шундай экан, бу дарахтлар қолидан хабар олиб, ўларнинг қуриган шох-шаббаларини кесиб, чирой бахш этадиган мардлар бормикин?

Бундан ташқари, кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан барпо этилган экинзорларда мевали дарахтларнинг ўсишига халақит бераётган ёввойи, манзарали дарахтларни кесиб кетишларини илтимос қилиб мутасадди ташкилотларга мурожаат қилган эдик. Аммо улар бизда бундай буюртмалар кўп деб, ҳануз келишгани йўқ.

Яна бир гап. Юнусобод массивининг 4-мавзесида олмазорбоғ бўларди. Бундан 20 йиллар олдин бу олмазор собиқ Карл Маркс, ҳозирги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигига қарашли эди. Хўжалик ерлари ўрнида қатор-қатор кўп қаватли уйлар бунёд этилгач, бу боғ юқоридаги мавзе ҳудудида қолди.

Дастлаб аҳоли у ердаги мевалар, олмалардан озми-кўпми баҳраманд бўлди. Йиллар ўтди. Эгасиз боғ қаровсиз қолди. Қанча-қанча туп олмалар қуриб, ўтинга айланди. Эндиликда боғдаги дарахтлар парвариш қилинмагани учун харобазорга айланди.

Наҳотки, Киров район ободонлаштириш бошқармасидагилар мавжуд бу олма дарахтларининг ҳаммаси қуригунча томошабин бўлиб ўтирса?

Муқаррам МАВЛОНОВА,
кўп болали она.

...АФСУСЛАНАДИ

Жуда ҳам ачиндим

МЕН А. Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий илмгоҳида чет тили ўқитувчилари учун ташкил этилган курсда ўқидим ва шу илмгоҳнинг янги очилган ётоқхонасида яшадим. Илмгоҳ Талабалар шаҳарчасидаги Саидов кўчасида жойлашган.

Бўш пайтларда бозорга, китоб дўконларига бордим. Лекин мен бир нарсага жуда ачиндим. Биз илмгоҳдан шаҳар марказига боришимизда троллейбус, автобус бекатларига чиқишда кўп йўлаклардан юриб борамиз.

Жойлардаги аҳволни кўриб ҳайрон бўласиз. Чунки бу ерларда озодалик, тозалик деган нарса унутилган. Ҳамма ёқда ахлатлар уюлиб ётибди. Айниқса, дарахтларнинг қораксиз шохлари пала-партиш, сифатсиз кесилган. 1—2 ойдан буён кесилган дарахт шохлари йиғиштирилмай ҳар жойда уюлиб ётибди. Дарахтларга, ётоқхоналар олдига экилган гулларга сув берилмаган, гуллар сифатсиз чопилган, қовжираб ётибди.

Наҳотки, ёшлар шаҳарчаси шу аҳволга тушиб қолса? Ойлик олиб ишлайдиган ишчи, мутасадди раҳбарлар бунга нима учун лоқайдлик билан қарайдилар. Ҳеч бўлмаганда улар талабаларни йиғиб ҳашар уюштирса бўладику. Мен бир оддий ўқитувчи сифатида бундай нохуш ҳолни кўриб жуда ачиндим.

Турсунқул АЮБҚУЛОВ,

Сирдарё вилояти, Ховос районидаги Карл Маркс номли 13-ўрта мактабининг ўқитувчиси.

...РАНЖИЙДИ

Қаровсиз бекатлар

«ҚОРАСАРОЙ» кўчасидаги 42, 82, 159-автобуслар ҳамда 7 ва 10-троллейбуслар тўхтайдиган «Чуқурсой» бекатида ўрнатилган ўриндиқларда ўтиришнинг иложи йўқ. Чунки улар синиб, қийшайиб ётибди. «Соғ»лари эса ёзда чанг-тупроқ, қишда лой, нам. Соябонлари ҳам носоз.

«Миконд» заводи, «Компрессор» заводи ва умуман Уста Ширин кўчасидаги кўплаб бекатларда ҳам юқоридаги манзарани кузатиш мумкин. Қаровсиз бекатларни кўриб, ўйлаб қоласан киши: «Шунча маблағ сарфлаб қурилган бу соябону ўриндиқлар соз-носозлигию озодалигидан кимдир хабар олиб туриши керак-ку?!»

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат фахрийси.

ИСТАКЛАР ИЗҲОРИ | ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС | ОНАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

РЎЗНОМА— МУШТАРИЙ— РЎЗНОМА

Илм масканларида

ЎҚУВЧИЛАР— ТИББИЁТ ХОДИМИ

ТИББИЁТ соҳасида кучли билимга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга ҳозирда катта эътибор берилмоқда. Мактабларнинг олийгоҳлар билан шартнома тузиб, илмий ва амалий дарслар олиб боришлари ўқувчилар билимини мустаҳкамлаётир.

Пойтахтимиздаги 105-мактабнинг Тошкент давлат болалар тиббиёти олийгоҳи билан шартнома тузганига ҳам икки йил тўлди. Ҳозирда мактабнинг 11-синф ўқувчилари шаҳримиздаги 14-шифохонада болаларни парвариш қилиш ва улардаги енгил касалликларни даволашнинг амалий муддатини ўташмоқда.

— Дарсларни шифохонада ўтишдан мақсад ўқувчиларда тиббий билим ва маҳоратни такомиллаштиришдир, — дейди олийгоҳ доценти Абдулла Абдуазимов. — Ўқувчиларнинг бу ерда билим олишининг яна бир афзаллиги шундаки, улар келажакда тиббиёт олийгоҳида таълим олишга қийналишмайди. Чунки ўқувчилар олийгоҳнинг II-курс билимларини шу ерда ўзлаштиришмоқда. Мактабни битиргач, уларга «Кичик тиббиёт ходими» деган гувоҳнома берилади.

Бу махсус синфда қизиқиши ва қобилияти кучли бўлган 20 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Улардан Нилуфар Носирова, Феруза Мирбобоева, Хуршида Каримова, Мақсуд Собиров каби ўқувчилар фаолияти бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Ёдгор ОЛИМЖОНОВ.



Республика болалар бадиий ижодиёти уйи қошидаги тасвирий санъат тўгараги ҳамиша ҳаваскор мусаввирлар билан гавжум бўлади. Улар бу ерга мўйқалам билан ишлаш сирларини ўрганиш учун келадилар, устозлари Ваҳоб Зиёевнинг ўгитларидан баҳраманд бўладилар. 28 йилдан бери муаллимлик қилаётган Ваҳоб ака эса шогирдларидан ҳеч нарса аямайди.

СУРАТДА: Ваҳоб Зиёев бўлажак мусаввири билан.

Миртемир Қодиров сурати.

«ОТАЛАР СЎЗИ»ГА МУШТОҚМИЗ

⊙ Ҳурматли муҳарририят! Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони»нинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви ҳаётийлиги, турмушимизда учраётган кўплаб муаммоларни ёрқин акс эттириши билан алоҳида ажралиб турарди. Аммо кейинги пайтда бу кўрсатув зангори экран орқали намойиш этилмай қолди. Шу ҳақда рўзнома орқали маълумот беришингизни сўраймиз.

Холмат ЁҚУБОВ,

Тошкент районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги ҳайдовчиси.

Бизга мактуб йўллаган ва бошқа кўплаб муштарийларимизнинг истагини инобатга олиб, юқоридаги масала бўйича Ўзбекистон телевиденеси «Ёшлик» ижодий бирлашмасининг бош директори Ҳайдар Афзалов шундай фикр билдирди:

— «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви ҳақиқатан ҳам кўплаб телетомошабинлар меҳрини қозонгани сир эмас. Буни муҳарририятимизга келаётган хатлар орқали билдирилаётган миннатдорчилик сўзлари, таклиф ва истаклардан ҳам билиб олиш мумкин.

Маълумки, кўрсатувнинг мукаммал ва таъсирчан бўлишида олиб борувчининг тутган ўрни беқиёсдир. Шу ўринда марҳум Турғун Хонкелдиев ва Бадал Нурмуҳаммедовларнинг қўшган улкан ҳиссаларини айтиб ўтишим лозим. Турғун аканинг вафотидан кейин кўрсатув «Ойнаи жаҳон» орқали кўрсатилмай қўйилди. Ҳозирги кунда иқтидори, табиати ва кўриниши жиҳатидан мос келадиган олиб борувчини танлаб олишга киришганмиз. Телетомошабинлар янги йилдан кўрсатув яна зангори экран юзини кўришига умид қилсалар бўлади.

Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаш зарур. Ўзбекистон телевиденеси ва радиоэшиттириш давлат комитети томонидан «Ёшлик» ижодий бирлашмасининг вазифалари кўриб чиқилаётганда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини мукаммаллаштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундан ташқари келгуси йилдан маънавий-ахлоқий масалаларни атрофлича қамраб олган «Қари билганни пари билмас» кўрсатуви яна давом эттириладиган бўлди.

Шавкат САЪДИЕВ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. Қодиров: Мен кўп йиллардан бери беморларга қуйиш учун қон топшираман. Яқинда навбатдаги қон топширишдан кейин ўзимни бироз нохуш сезиб ишга чиқолмадим. Фабрика маъмурияти эса менга ҳайфсан эълон қилиб, яна шундай интизом бузиш қайтарилса, ишдан бўшатишини маълум қилди. Шу тўғрими?

Жавоб! Йўқ, нотўғри. Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти текширувидан ўтиш ва бошқаларга қуйиш учун қон бериш кунида ишчи, хизматчиларга лабораторияга боришлари учун имконият яратиб, уларга ўртача 1 кунлик дам олишга, (иш ҳақини сақлаган ҳолда) рухсат бериши лозим. Демак сизга берилган ҳайфсан бекор қилиниши керак.

* * *

К. СОАТОВ: Мен 7 ой муқаддам иш жойимда интизомий жазога тортилган эдим. Эълон қилинган ҳайфсан ҳозир ҳам ўз кучида турадими ёки бекор бўлган ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 161-моддасига биноан ишчи ёки хизматчи интизомий жазо берилганидан бошлаб бир йил давомида меҳнат интизомини бузмаса, у юқоридаги жазога тортилмаган ҳисобланади. Бу вақт давомида самарали, ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилса, у ҳолда корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти бир йил ўқишини кутмасданоқ берилган интизомий жазони муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

* * *

О. АҲМАДЖОНОВ: Рафиқам юқори синф ўқитувчиси. Менинг номимга берилган давлат уйида яшаймиз. Уни рафиқам номига ўтказсам уй у киши учун хусусий мулк (Президент фармонига кўра) ҳисобланар экан. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳа, тўғри. Президент фармонига мувофиқ ўқитувчилар учун бир қатор имтиёзлар яратилди. Жумладан, хонадонларни улар номига бепул ўтказиш, турар жой, коммунал хизматлар ҳақини имтиёзли тўлаш белгиланган. Бундай имтиёзлардан тўла фойдаланиш учун ўқитувчи ўша оила аъзоси бўлишининг ўзи кифоя. Аммо уй хусусий мулк сифатида оиланинг бошқа аъзоларига эмас, айнан ўқитувчи номига расмийлаштирилиши шарт.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Шикоят йўлга чорлади

«ҚЎЙИНГ, ЙИҒЛАМАНГ ХОЛА»

ОКТЯБРЬ районининг «Ўзгариш» кўчасидаги 41-уйда истиқомат қилаётган 72 ёшли онахон — Баҳри ая Ғуломовани «Қўйинг, йиғламанг хола, сизга албатта, уй беришади», деб юпатишга ҳаракат қилаяпман-у, ўзимнинг ҳам юрак-бағрим эзилиб кетаяпти. «Эй, одамлар, намунча лоқайд бўлмасангиз», деган унсиз садо вужудимни титратади. Бошим ҳам бўлиб, қўлларим рўмолча излайди.

— Шунча тортган азобларим каммиди?! Наҳотки, ўлик-тиригимдан хабар олиб турадиган маҳалламга яқинроқ жойдан қариган чоғимда менга уй топилмаса, — дейди онахон йиғи аралаш.

Ҳа, мудҳиш урушнинг оғир кунларини ҳам, қатағонлик йилларининг даҳшатли онларини ҳам бошидан кечирган, ёлғиз ва касалманд аёлни кўчириш учун уй топилмаяпти. Аниқроғи, райижрокомнинг уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимидагилар Баҳри холанинг қалбига йўл топиша олмаяпти.

Ҳурматли муштарий! Келинг, яхшиси эҳтиросларга кўп ҳам берилавермай, тўғрироғи, воқеликка холис ёндашиш учун ҳаётда рўшнолик кўрмаган Баҳри холанинг изтиробли сўзларини тинглайлик:

«1937 йили уйимизни тинтув қилиб, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ва яна аллақандай тўртта китобни топиб олишиб, эрим — Убайдулла Қодировни олиб кетишганда 41 кунлик келин эдим, — деб ёзади хола. — Эрим ўқитувчилик қиларди. Мард йигит эди. Мен уни жуда яхши кўрардим. «Халқ душмани» деб қамашганини эшитсам-да, бошқа турмуш қурмадим. Афсуски, у қайтиб келмади.

Ёлғизликни меҳнат билан енгдим. Дастлаб тўқимачилик комбинатида, кейин бироз дўконда, пенсияга чиққунимгача эса 17 йил сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасида ишладим. Ишнинг оғир-енгилини танламаганим учун бўлса керак, кўзим «катаракта» бўлиб, операция столига ётдим, бел оғриғи ва бошқа касалликларга чалиндим. Оёқларим ҳам оғрийди, туз бор дейишади. Майли, буларга ҳам чидаб, тақдирга тан бериб ўтирмоқчиману, аммо бўлмаяпти.

Яшаб турган уйимнинг «бузилади-бузилади» дейишганига мана 2 йил бўлаяпти. Кўп қаватли иморат қуриш учун ёнидан ҳандақ ҳам қавлашди. Майли, қавлашсин, қуришсин, лекин мени олдин кўчириб, кейин уй қуришлари керак эмасми? Ижрокомдагилар эса менга бир хонали уй топиб беришолмаяпти. Наҳотки, қариган чоғимда кўчада қолсам? Шу ҳам инсофданми?! Уйимнинг деворлари дарз кетиб, қулай деб турибди.

Уч йилдирки, узоқ қариндошимнинг қизи вилоятдан келиб, менга қараб турибди. Ўзи ўқийди. Менга тезроқ уй беришса, шу қизни рўйхатга олдирмоқчиман.

Уйим ёнида янги бино қурилаётганидан хурсанд бўлгандим, мен ҳам шу уйда яшайман, деб. Йўқ бу ҳам менга насиб қилмас экан. «Сизга бир хонали уй берамиз, у ерда бир хоналиги йўқ» дейишди. «Қаерда бор?» десам, жавоб беришмайди. «Эртага-индинга». Уларнинг топиб олган баҳонаси шу.

Ҳурматли «Тошкент оқшоми»! Охирги умидим сендан. Ёрдам бер?! Ахир мен қачонгача қийналиб яшайман. Шунча тортган азобларим камми менга! Менинг айбим нима? Ўғил-қизим йўқлигими?! Ахир мен шунча йил ким учун хизмат қилдим, соғлигимни йўқотдим? Наҳотки, қариганда шунча хору зор бўлсам?! Ҳақиқат борми?.. Мадад кутиб, ёлғиз ва мушкулпитар она...»

Бундай мазмундаги мактубнинг муҳарририятимиз ходимларини бефарқ қолдирмаслиги табиий. Шу боисдан дарров йўлга отландик. Тўғри, мактубни шаҳар ёки район ижроия комитетига жўнатиш ҳам мумкин эди. Чунки, аҳолини уй билан таъминлаш мутлақо муҳарририят вазифасига кирмаслиги аён. Аммо бундай қилолмадик. Бешафқат тақдир зулмига учраган инсон тақдири кўз олдимизда гавдаланаверди...

— Унинг ўзи шунақа аёл, — деди ташрифимиз боисини билгач, Октябрь район ижроия комитетининг уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Мансур Абдуллаев. — Кўп жойлардан уй бердик, кўчиб ўтишни хоҳламаяпти. Биттасини узоқ деса, бошқасини баланд дейди. Кейин эса «уй беришмаяпти», деб арз қилади...

— У кампирнинг ёлғизлигини инобатга олиб, раъйига қарашаяпти, — дея изоҳлашга киришиб кетди шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармасининг ишлаб чиқаришни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Александр Ворожейкин. — Бошқа биров бўлганидами, қонун бўйича дарров кўчиришарди. У эса буни тушунмасдан, уй танлаш билан овора. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Метронинг Ҳамза бекати ёнида қурилаётган 4-уйнинг 2, 3, 4 ва 5-қаватларидан таклиф этилганда узоқ, ГУМ ёнидан 9 ва 10-қаватлардан берилганда эса баланд депти. Оқтепа даҳаси ва «Ц—15» даги бўшаган 4, 5-уйларнинг 1, 2, 3-қаватлари ҳам ёқмабди. Шундай бўлгач, яна нима қилиш керак?! Қолаверса «кекса кишиларга фақат пастки қаватлардан берилсин», деган жойи йўқ. Лифти бўлса, бас...

Бўлим бошлиғи хонасидан чиқар эканман, эшикда «қабул чоршанба куни 10.00 дан — 13.00 гача» деган ёзувга кўзим тушди. Шу бўлимнинг бошқа ходимлари эса ҳафтада уч кун гоҳида 10.00 дан — 13.00 гача, гоҳида 14.00 дан — 18.00 гача қабул ўтказишаркан.

— **Ишчи-хизматчилар иш кунлари ва иш соатларига тўғри келаркан, фуқароларни қабул қилиш кунларингиз ва вақтингиз, — таажжубланиб сўрайман Мансур акадан.**

— Мен ҳар шанба куни ҳам эрталабдан кечгача қабул қилавераман, — дейди у.

— **Бошқа ходимларингизчи?**

— Улар шу эшикларда ёзилган кунлари ва вақтда...

Шаҳар ижроия комитетининг 4-қурилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Турсунмурод Азизов тўрт манзилгоҳдан хола учун бўш хонадон излашга кетди. Мен эса «Ўзгариш» — 41 га...

— Вой болагинам, сизни лақиллатишибди, — дейди Баҳри хола. — Мени «уй танлаяпти», деб ёлғон гапиришибди. Маҳалладошларимга яқинроқ жойдан бўлса яхши бўларди, деганим эса рост. Менинг иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришган шунча йиллик қадрдонларимдан узоқлашгим келмаяпти-да ахир. Барака топкурлар тўй-маъракаларда ош, ул-бул оп-ниқиб туришади. Бир пас келиб суҳбатлашиб ўтиришади...

Оқтепадан ва Абай кўчасидан («Марказ — 15» демоқчи) беришган уйларини бориб кўрдик. Эски уйлар экан. Улар жуда таъмирталаб. Бундай ишларни қилиш учун бизнинг кучимиз етармиди. Шу боис у ерларга кўчишга рози бўлмадим. ГУМ ёнидан кўрсатишганида, қувончимиз ичимизга сиғмай борсак, биздан олдин бошқа бировлар ордер билан эгаллаб олишибди. Ҳамза метроси ёнидан эса умуман уй таклиф қилишмаган. Ёлғон гапираётган бўлсам агар...

Баҳри хола кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни дам-бадам артар, яратгандан уй берадиганларга инсоф беришни илтижо қилиб сўрар, «Ахир мен не ёмонлик қилибманки, қариган чоғимда ҳам бунча қийналмасам», дея тез-тез такрорларди.

Унга: «Қўйинг, йиғламанг, кўп куюнаверманг, холажон, сизга албатта, уй топиб беришади. Райижрокомдаги уй тақсимловчи мутасаддилар бу масала билан шуғулланишаяпти», — дейману яна ўйлаб қоламан: бузиладиган уйлар рўйхати камида 7-8 йил олдиндан маълум бўлади-ку! Наҳотки, шу муддат ичида Баҳри хола маҳалласи яқин-атрофида қурилган уйлардан бир хоналиги топилмаган бўлса?!

Яна бир масала: ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияга қараб келаётган қиз — Муҳаббатхонни наҳотки, хола уйи рўйхатига расмийлаштиришнинг иложи бўлмаса?! Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 1974 йил, 28 августдаги 678-қарорида узрли сабаби бўлган фуқароларни истисно тариқасида турар жойга рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи халқ депутатлари шаҳар ва район комитетларига берилган-ку, ахир?!

Ҳай, майли, ўтган ишга салават дейишади. Ишқилиб энди Баҳри хола хаста дилини кўп қуйдирмай, бу масалани тезроқ ҳал этишса, шунисига ҳам шукр. Ҳар ҳолда «об-ҳаво» айниб қолмаса, бу ёғи яхши бўладиган кўринади.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,

Обуна—92

Қорақалпоғистондан мактуб

ТАШВИШИМИЗГА ШЕРИКСИЗ

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Сизларга неча бор мактуб ёзишга чоғландим. Мана бугун фурсати етди. Рўзномада турли-туман мақолалар ёритиб борилмоқда. Рўзноманинг чиқишлари дадил, изланувчан. Муштарийларнинг дилига тез етиб бориши табиий. Шу боисдан «Тошкент оқшоми»ни, унинг «Маҳалладош» иловасини қолдирмай ўқийман.

Мен район рўзномасига ҳам мақолалар ёзиб тураман. Қаламимнинг чархланишига, фикрларимнинг ойдинлашишига рўзнома ёрдам бермоқда, ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда.

«Оқшом» саҳифасида босилган одоб-ахлоқ тўғрисидаги, «Ҳаёт чароғон осмон эмас», «Фақат байрамлардами?», «Инсон одоби билан», «Яхши гап — жон озиғи», «Умр зийнати», «Ҳамдардлигинг учун раҳмат, онаси» номли мақолаларда шу куннинг долзарб мавзулари ўрин олган. «Маҳалладош»да маҳаллаларда олиб борилаётган дастурлар, хотин-қизлар комитетлари ишларининг ёритилиб борилиши қандай яхши! Менимча рўзнома одамлар ташвишига шерик! Халқнинг дилидагини топиб ёзади. Яна нима ҳам дейиш мумкин?! Муҳарририятнинг ижодий ходимларига муваффақиятлар тилайман.

Дилбар ҚУТЛИМУРОТОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги аъзоси.

Пойтахт вилоятидан хат

БИЗ БИЛАН ҲАМРОҲ

«ТОШКЕНТ оқшоми» рўзномаси биргина шаҳарликларга эмас, биз дўрмонликларга ҳам жуда ёқади. Унда берилаётган «Фойдали маслаҳатлар», «Одобнома», аёлларимиз учун «Назокат» саҳифаларидан, «Маҳалладош» иловасидан жуда кўнглимиз тўқ.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, Дўрмон қишлоғининг бир гуруҳ муштарийлари нашр баҳоси ошган бўлганига қарамай дастлабки кунлардаёқ «Тошкент оқшоми»га обуна бўлиб олганмиз.

«Оқшом» ижодкорларига келгуси ишларида муваффақият тилашдан аввал, бир истагимиз бор эди. Яъни бизнинг Дўрмон қишлоғимизга ёки «Юқори юз» маҳалласига «Маҳалладош» меҳмон бўлиб келсаю, бир пиёла чой устида дилдан дардлашсак хўп соз иш бўлар эди. Маҳалламиз оқсоқолларининг, аҳил қайнона ва келинларнинг ибратона сўзларидан бошқалар ҳам баҳра олса нур устига аъло нур бўлади десак янглишмаймиз.

Бир нарсадан кўнглимиз тўқ, яъни «Оқшом» келгуси йилда яна биз билан ҳамроҳ бўлиб, уни гузарларда, ўйларимизда бемалол мутолаа қиламиз.

Ғаппор АБДУЛЛАЕВ,
Абдаз АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўткир ЭРГАШЕВ,
Юнус МУҲАМЕДОВ,
Тошкент вилояти, Қибрай районн.

«МУСТАҚИЛ ЮРТГА АЛП ЎҒЛОНЛАР КЕРАК»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқнинг ташкилий ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига юклатилди.

Битимга қўшимча равишда чўпонлар ўз фаолиятлари давомида ҳарбий хизматга чақирилмайди. Шунингдек, республикамиз ҳудудидаги мамлакат Ички ишлар вазирлиги қўшинлари ўзбекистонлик йигитлар ҳисобига тўлдирилади.

Бундан ташқари турли бошқармалар ва жамоат ташкилотларига заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматчиларимизни кутиб олиш ва истиқомат жойларига кузатиб қўйиш юклатилди.

Қарор чиққан кундан бошлаб кучга кирди.

— Республикамиз аҳолиси, табиийки, енгилликларнинг қай даражада эканлигини ҳам аниқ билгиси келади. Илгариги шароитларга солиштирган ҳолда янги қарорни ва ўзгаришларни шарҳлаб берсангиз.

— Илгарилари бир йилда 150 —170 минг атрофидаги йигитларимиз ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун чақириларди. Яъни белгиланган режа бўйича жумҳуриятимиздан йигитлар армияга олинарди, уларнинг орасига қанчалаб нимжон ва касалманд болалар ҳам қўшилиб кетиши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ҳатто бултур ҳам ҳар бир чақириқда 80 мингдан йигит бўлди. Ҳозир уларнинг сони икки баробар камайди. Яъни, кузги чақириқдаги 43 минг боладан 11 мингги — 25 фоизи Ўзбекистон ҳудудида хизмат қилиш учун қолдирилади. Республикамизда ҳарбий-ўқув қисмлари етишмаслиги туфайли йигитларимиз бошқа республикаларда ўқиб келиб, хизматни яна ўзимизда ўтайдилар. Албатта, мустақиллик бўлгандан кейин давлатнинг хавфсизлигини сақлаш учун унга яхши тайёрланган қуролли кучлар ҳам керак-да! Шу сабабдан йигитларимиз энди Ўзбекистондан ташқарида фақат стратегик қўшинларда хизмат қилишади. Илгарилари йигитларимиз 14 — 15 та ҳарбий округларда хизмат қилишган бўлса, энди уларнинг сони 5 — 6 тагача туширилди. Ўзбекистонликлар хизмат қиладиган жойлардаги маҳаллий Кенгашлар билан болаларимизга яхшироқ шароитлар яратишлари учун алоқалар ўрнатяпмиз.

Бундан ташқари жойлардаги мутасаддилардан йигитларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, снёсий ҳимояларини таъминлаб соғ-омон қайтариб келтиришлари ҳақида тилхатларини олсаккина, бошқа республикаларга жўнатамиз.

Ҳаётга тадбиқ этаётган ташкилий ўзгаришлардан яна бири шуки, республикамиз вилоятларида мудофаа ишлари бўйича бошқармалар, районларда мудофаа ишлари бўлимлари, қишлоқ Советлари қошида эса мудофаа бўйича масъул хизматчилар штатлари ташкил этилмоқда. Келажакда ҳарбий комиссариатлар, фуқаролар мудофааси штаблари, ДОСААФлар ҳам аста-секин юқоридаги тузилмаларга сингиб кетиши мўлжалланмоқда.

Балки уларнинг фаолият доиралари камайтирилар?

— Улар ўз фаолиятларини тўлалигича давом эттираверадилар. Чунки, Қуролли кучларимизга малакали зобитлар керак. Фақат Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллат вакилларини 70 фоизгача кўпайтириш режаларимиз бор.

— Битимда Ўзбекистон ҳудудида муқобил хизматни ташкил этиш республика ҳукумати ихтиёрига топширилади, дейилган. Халқимиз ўртасида эса муқобил ҳарбий хизмат тўғрисида деярли тушунча йўқ. Муқобил хизматни ўташ қонун-қоидаларига ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Республикамиз ҳудудида муқобил хизматни ташкил этиш — бу Президентимиз Ислом Каримовнинг ғоясидир. Унинг тагида жуда кўп масалалар ётибди. Масалан, республикамизда машинасозлик, металлургия, химия, авиация саноати комплексларида ишчилар синфи етарли эмас. Илгарилари кўпчилик ёшларимиз юқоридаги соҳалар бўйича ҳунар-техника билим юртларини тугатганларидан сўнг ҳарбий хизматни ўташар, соҳа малакалари эса эсларидан чиқиб кетарди. Ўйлаймизки, муқобил хизмат аҳволни бирмунча яхшилайди. Бундай хизматни ўташ учун асосан ҳунар-техника билим юртларининг талабалари, ночор, кўп болали оилалар фарзандларини, ҳарбий хизматга яроқли енгил хасталиги бор болаларни жалб этмоқчимиз. Мақсадимиз, ёшлардан икки йил ичида малакали мутахассисларни етиштириб чиқариш. Улар беш кун мобайнида саноатда ишлашади. Олтинчи куни эса бошланғич ҳарбий таълимдан хабардор этиш учун 6 соатдан ўқитилади. Хоҳлаганлар ҳарбий хизматдан сўнг ҳам корхоналарда қолиб меҳнат қилишлари мумкин. Айтгандай, улар бу ерда маош ҳам олишади. Албатта, муқобил хизмат Совет Армиясидаги хизматнинг ўрнига ўтади.

— Тахминан қанча одам бундай хизматни ўташи мўлжалланяпти?

— Ҳар йили 10 — 15 мингтача йигитни бундай хизматга жалб этиш ниятимиз бор. Уларни жойлаштириш, яшаш ва ишлаш учун шароитларни яратиш мақсадида вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг қизиқишларини кучайтириш лозим бўлади. Республика бюджетидан маблағ ҳам ажратиш керак бўлади.

— Ҳозиргина Тожикистондан келган ҳамкасбларингизни кузатаётиб, «Ўзбекистонда шундай ишлар амалга оширилянти» дедингиз. Кўрниб турибдики, Ўрта Осиё республикалари билан ҳамкорликда ишлаётган экансизлар.

— Ҳа, ҳозир айниқса Туркманистон, Тожикистон Республикалари билан алоқаларимиз мустаҳкам. Улар билан тажриба алмашаяпмиз, ғояларни биргаликда муҳокама қиляпмиз. Албатта, бундай ҳамкорлик келажакда ўз мевасини беради.

— Миллий гвардиянинг фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳозир Миллий гвардиянинг ташкилий ишлари айни қизиган пайти. Яқин ўртада у ҳақдаги қонунлар лойиҳасини республика Олий Кенгашига топширамиз. Келинг, яхшиси бу тўғрида кейинчалик бафуржа гаплашсак.

—Туркистон Ҳарбий округи билан муносабатларингиз қандай?

— Ҳозирча улар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Улар ҳарбий-стратегик масалалар билан шуғулланишса, биз ҳарбий маъмурий ишларни бажарамиз. Улар республикамиз ҳудудида ҳарбий машқлар ўтказишса, энди экологияга зиён қилмаслиги юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти билан келишишлари лозим. Биз уларнинг ҳаётий фаолиятларини ташкил этишда ёрдам берамиз. Яъни ҳарбий округ қўшинларининг ижтимоий ҳимояси бизнинг томонимиздан бўлади. Бунинг учун ҳозир республиканинг ҳуқуқ чиқарувчи органларида «Округ қўшинларининг мустақил республика ҳудудида бўлишининг ҳуқуқий ҳолати ҳақида» қонун лойиҳаси тайёрланяпти.

Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.

Ражаббой ОТА ТУРК

ОСМОННИНГ ЭГАСИ

Қисса

Зум ўтмай Танбалнинг гирдини ўраган ҳалқани бузиб, отлар, найза, қилич, қалқон билан қуролланган ёв лашкарлари ўтди. Сўнг яна отлар дупури, оқ байроқ, қизил байроқлилар, сўнггида киноларда кўргани бомба портлади, ёнидаги бархан титилиб сочилди: қуёшда олтин заррачаларидек товланиб Танбалнинг бошидан қуюлди. У қум остида юзтубан ётганича:

— Қорин, қорин! — дея шивирлайверди. — Қорин деб бу юртга лашкар тортганнинг саноғи йўқ... Келган кетар экан, ахийри кетади, хароб бўлсин, хор бўлсин, мен кўмилган шу юрт, шу тупроқ қолади! Болаларга айтаман буни. Мен бир суякман-да, дейман, майли, тепишсин, итга ташлашсин, барибир қоламан...

Шукрки, қоринни танадан ажратиб ерга алоҳида кўмишмайди. Агар таомил шундай бўлганида, қорин ерни ҳам ер эди. Эшитгани рост бўлса, дастлаб, мурданинг ичи емирилиб заҳарга айланади, сўнг ана шу заҳар танани емиради. Бутун бошли одамдан бир ҳовуч суяк қолади.

— Эҳ, суяк, суякжон, сен менсан, сен ёлғизликка монанд яна юртга — Қизилқумга яшайсан... Дўстинг ташлаб кетса, ёлғиз қоласанми — қоласан. Иноннинг суямаса, сотса, ёлғиз қоласанми — қоласан. Ахир суяк Ватан бўмай — нима, этмиди, тирноқмиди? Қоладигани суяк экан-да!..

Танбал хўрсинди. У кўмилган тупроқнинг тили бўлса, айтсин, шундай эмасми, ё Танбал адашдими, — у бир чалесавод-да. Йўқ, ер гапирмайди, у Танбалга қасдма-қасд бардошли, гунг. Вақт етиб, болалар буни ўз кўзлари билан кўришади, қудуқ қазишса, ердан Танбалнинг суяги чиқади. Майли, ҳозирча қаноат туғ, нариёғига Танбалнинг кучи етишмайди... Умиди сўнганмас, лекин умид кимдан? Танбал шунисига гаранг, лол...

Кимдир «қўмилган» Танбалнинг елкасидан туртди ва:

— Эй, бригадир, — деди — юрт конець — тугади!

Суяклари сирқираб ўрнидан турди, қараса, ёнида аскарча кўйлагининг ёқаси киндигигача очиқ Малик, болалар тиржайиб туришибди.

... Эртасига раис янтоқ ғарамларини кўздан кечирар экан, қовоқ уюб Танбал бошлиқ болаларни йиғди-да, танбеҳ берди:

— Инсоф борми ўзи сенда-а, Ҳотам? Бу найрангбозларни ўйинга бошлаб келдингми?

Танбал одатича бўйнини қашиб жим тураверди, индамади.

— Гапирсанг-чи — тилинг борми, оғзингда?

— Чопаяпмиз, шу.. кўкламда қўй ёйилган эканми, сира баракаси йўқ...

— Ҳамма жой янтоқ, раис бова, тезроқ чопайлик, кетайлик, десам, булар... — қутилмаганда Эркин тўдани ёриб олдинга чиқди, сирни ошкор қилди.

Танбал ялт этиб Эркинга қаради-ю қизарди, тағин бўйнини қашиди, ерга тикилди.

— Эшитдингми, бу боланинг гапини, — раис Эркинни кўрсатди. — Ўле, бу кунингдан! Онангни... сени!

— Онамни сўкманг, раис! — Танбал бўйнидан қўлини олди, қаддини ростлади. — Сизга янтоқ керак бўлса чопамиз... чопаман! Аммо сўкишингизни қайтиб олинг, уятга қоласиз...

Болалар бирин-кетин тарқалишди, Эркин эса раис томонга сиджиб, Танбални зимдан кузатиб турди.

— Кимнинг боласи бу?

— Билмайман, ўзидан сўранг, раис, — Танбал қовоғини уюб, ҳансираб бурнидан нафас олар, кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги таёғини қумга қаттиқроқ санчар, таёқ қумга ботган сари унинг қадди ҳам эгилиб борар эди. — Ёшимни, болаларни ҳам менсмадиз. Майли, онангиз ҳали ҳаёт, сўкишингизни қайтиб бўйнингизга осдим...

* * *

ОҚШОМ Танбал болаларга қўшилиб овқатланмади. Томоғидан овқат ўтмади. Бир тишлам нонни оғзига солиб, ҳасса ўрнида тутадиган таёқни қўлига олиб, чодирдан олислаб кетди. Юриб-юриб, бир бархан тепасига чиқди-ю, чўнқайиб ўтирди. Қўлидаги таёғини ой нурига тутиб томоша қилди. «Шу таёқча қадрим йўғ-е, — деб кўнгли бузилди, ҳассани синдирмоқчи бўлиб тиззасига тиради, букди. — Шуни бутун тутаман, эгмайман, десам, хўрлашади, ҳақорат устига ҳақорат! Синдирсам, эзғоялашади, ярим мол, ярим жоннинг, яримта ноннинг қадри баланд. Тик турсанг — ўласан, эгилсанг — ўқ устингдан учади, эҳ, бутунликка ҳам ишонмадим, эгри йўл тўғри йўлга олиб чиқади, дегани шумикан ёки?.. У ниятидан қайтди — таёқни синдирмади, қумга тиккасига санчди. Ёнбош тушиб, унга термулиб ётди-да: «Омон бўлсам, сени бутун тутаман, эгмайман, — деди, — қўлимдан қўймайман сени...»

Ой ёғдусида барханлар зарҳал тусга беланди. Сокинлик. Осмоннинг туб-тубида юлдузлар порлади. Шу чексиз маконнинг бир бурчида — чодирда Эркин тенгқурлари билан ётибди. У бугун тенгсиз жасорат кўрсатди... Танбал икки қўллаб таёқча суянди. Унинг таёқ тутган муштларигина кўмилмади, панжаларини бўшатган эди, ҳасса бир қарич қумдан чиқиб қозиққа ўхшаб қолди. «Мен сени қўйвормайман, — деб яна у «қозиққа» қўл чўзди, — суяйдиган, суянадиганим сенсан, мен сенинг ўғлингман! Ҳеч ким бир пулга олмаган Танбал ўғлингнинг қасами шу, сўзи шу!..»

Кўп ўтмай Танбалнинг ҳўнграб йиғлагани, ўз-ўзи билан сўзлашгани эшитилди.

— Муштдай бола жигарларини сотди-ди, сотди! Янтоқ деб, бир парча қоғоз деб сотди. Отангга балли-е, Эркин...

Дарвоқе, у кимнинг боласи?

Болалар ухлаган маҳал чодирга қайтди...

ЭРТАЛАБ болалар юмушга тарқалаётганида Танбал Эркинни имлаб чақирди.

— Шер, сен кимнинг ўғлисан?

Эркин бир оз ўйланиб тургач, отасининг отини айтди. Қайта сўради, у яна ўша номни такрорлади. Танбал ёқасини жуфтлаб, боладан нарироққа кетди. Ер чизиб хаёл сурди, ортига қайтди, зимдан Эркинга тикилди.

Танбал боланинг ота-онаси, ҳатто бобосини яқиндан танир, у ҳақда кўп эшитган, узунқулоқ гаплар рост бўлса, чолни Урмон полвоннинг бесоқоли эди дейишади... Қўрбоши Урмон полвон ҳақида Айний! китоб ёзганмиш... «Э, кароматингдан, бу болада нима айб, — Танбал Эркиндан кўзини олди. — — Бечора дейнми сени, шўрлик дейнми? Қонингда гуноҳ оқади сенинг... Энди мен кетай... Сен беморсан, болам...».

Кун бўйи юраги ғашланиб, Эркин ҳақида ўйлади. Болаларни ўз ихтиёрига ташлаб, уларга яқинлашмади. Гўё Эркинни хавфхатар кутмоқда-ю, Танбал бундан ғофил, ҳам чорасиз. Ўйлаган сари боланинг бобоси ҳақида эшитганлари бот-бот ёдига тушиб, ўзини лоҳас, бемор ҳис қилди. Бир зум бўлсин, кўз ўнгидан қишлоқ қариялари таърифлаган қўрбоши ва елкасига оппоқ сочиқ ташлаб эгилиб, Урмон полвоннинг қўлига сув қуяётган Эркинга монанд қорача, жиккакгина бола кетмади. Туйқус чодирдан чиқди-ю, ўз-ўзига:

— Қон тортади, деганн шу-да! — деди. Бироз турибі

— Йўқ, ҳовлиқма Танбал, — деб шивирлади, — бу гапни биров эшитмасин, ор бор, номус бор, боланнг шаънига доғ бу гапинг!

... Минг ўйласин, андишага борсин, барибир, тинчимади. Турib-туриб «Синайман уни» деган хулосага келди. Кечга томон (кўпинча салқинда ишлашарди) болалар янтоқ чопаётган тепаликка яқин борди-ю, Эркинни чақириб олди. Кўздан йироқ бархан панасига етишганда Танбал тўхтади. Ўзини мажбурлаб бўлса-да, ортидан эргашган Эркинга қарамасликка, бир хаёли аямоқона қилиғидан воз кечишга, болани ортига қайтаришга рой қилди-ю, яна феъли айнади. «Яхшиси, кечаги айби учун жўраларига урдираман, ўзлари боплаб таъзирини беришсин. Йўқ, — Танбал сўнгги важидан ҳам кечди. — Бобосидан ўтган касали рост бўлса, бу билан тузалмайди, қайтага, болаларга баттар ўчакишади, кин сақлайди, бўлар-бўлмасга сотади...» — У жаҳл билан тупурди-да:

— Эркина, Эркиной, — деб болани имлади. Уни атай қизболанинг қоми билан чақириб, орини қўзғамоқчи — бу билан кечадан бери ором бермаётган ўй-хаёлларию, Эркиннинг қавми ҳақидаги оғиздан-оғизга кўчиб юрган маломатнинг рост-ёлғонлигини болада синаб кўрмоқчи, билмоқчи бўлди. Унга жавобан Эркин бир сўз демади, аввалига «ҳи-ҳи»лаб жилмайди, сўнг ҳадиксираб яқинлашди.

І. С. Айний — «Қуллар»

[Бошланиши рўзноманинг 214-сонида. Давоми 4-бетда].

Маданият масканларида

Раҳбар ходимини тушунди

ШУ КУНЛАРДА масъулияти ортмаган раҳбар топилмаса керак. Йўлдош Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи директори Шоира Шорахмедованн ҳам ўйлатадиган масалалар жуда кўп. Ҳар куни ишхонага кириб келаркан, ходимлар унинг олдига қандай масалада киришмасин, кўнглида ҳадик уйғонади: «Ишдан кетмоқчиман, демасин-да!»

Бугун ҳам у бичиш-тикиш тўгараги раҳбари Муҳаррам Абдуллаева кириб келиши билан шундай ҳолга тушди.

— Мен яна ўша масалада киргандим, — деди Муҳаррам опа кўришганларидан кейин, — қўшимча тўгарак очишимга рухсат берсангиз.

— Бунинг ҳозирча иложи йўқ-ку, — деди директор ночор бир оҳангда. — Тўғри, ўттиз беш йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келасиз. Машғулот соатларингизни кўпайтиришимиз зарур. Бугунги шароитда 200 сўм ойлик билан ишлаб бўлмайди. Аммо касбдошларингиз орасида сиздан ҳам кам маош оладиганлари бор-ку! Ўзингизга маълум, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан биз ҳам хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпмиз. Даромадимизни эса фақат тўгарак қатнашчиларидан йиғиладиган маблағ ташкил этади. Ходимлар етишмаслиги туфайли ўтган йилнинг бошидан бугунгача тўгараклар сони ўн бештага камайди. Кўплаб тўгарак раҳбарлари маошлари озлигидан даромадли иш жойига — ширкатларга ўтиб кетишди. Кейинги уч йил мобайнида маданият уйи учун керакли жиҳозлар, музика асбоблари сотиб олинмади. Ходимларни ўзимизга жалб этиш борасида рўзномаларга берилган эълонлар, маданият олийгоҳи ва техникумки ҳамда бошқа маданият муассасаларига қаратилган илтимосномалар жавобсиз қолмоқда.

— Шароит оғирлашди, деб қўл қовуштириб ўтирсак бўлмайди, — деди Муҳаррам опа куюниб. — Муҳими, хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашнинг масъулиятларини тушунишда. Бунда ҳар бир меҳнат аҳли ўз жамоасига фойда келтиришни ўйлаши керак. Ўтган йили маданият уйи қошида бадиий безаш бўйича «Ойгул» ширкати очилганди. Қисқа вақт ичида ширкат аъзолари 5,5 минг сўмлик таъмир ишларини амалга оширишди. Тағин маданият уйи жамғармасига 1,5 минг сўм пул ажратишди. Кейин негадир бу ширкат аъзолари ўз фаолиятларини тўхтатишди. Ҳозир маданият уйида 52 та тўгаракларда машғулотлар олиб борилади. Нега ҳар бир тўгарак раҳбари жамоага даромад келтириш йўлларини изламайди? Ҳозир бизда бир тўгарак фойда келтирса, бошқаси унинг ҳисобига фаолият юритаяпти.

— Қанийди, ҳамма ҳам сиздек фикрлаб, сиз каби ўз сўзига амал қилиб ишласа! Баъзилардан ишни талаб қилдингми, вазифамдан бўшатинг, деб туриб олишади, — деди директор эътироз билдириб.

— Ўз касбини ардоқламайдиганларгина, давр синовларига дош беролмасдан қўлимсизликка юз тутадилар. Мен бу билан, бор имкониятдан фойдалана олайлик, демоқчиман. Жамоамизда Муаззам Аҳмедова, Дилшод Ўтаев, Рихсивой Азимов сингари касбига содиқ, эътиқодли ходимлар бор. Етмиш кишилик жамоа аҳлининг кўпчилигини истеъдодли ёшлар ташкил этади. Мана халқ театри режиссёри Аваз Толибжоновни олайлик. Халқ театрини Бутуниттифоқ кўрик-танловларига олиб чиқди. Ўзи «Қизиқчи-90» танловининг нишондори бўлди. Қани эди, саҳналаштирган спектакларни яна кенг халқ оммасига кўрсатишнинг иложи бўлса?

— Бир жойга жамоа бўлиб бориб, томоша кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Шундай катта маданият уйи ходимлари учун битта машина ажратилмагану сиз нималарни орзу қилаяпсиз.

— Буни тегишли ташкилотлардан талаб қилиш керак. Бу борада маданият вазирлиги ёрдам беролмасмикан?

— Улар фақат кўрсатма беришнигина билишади, — хўрсинди Шоирахон опа, — вазирликдагиларнинг ойликлари ошганлигини ҳисобга олмаганда, жумҳуриятимизда маданият соҳасида ҳали сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ. Маданият уйларида тўгаракларнинг пулли ёки пулсиз бўлиши масаласи ҳам қанча тортишувларга сабаб бўлганди. Мен билим сотилиши тарафдори эмасман. Аммо билим берувчининг қадри масаласи ҳам бор. Биллур идишларни олайлик. Илгари дўконда тўлиб ётганида унга ҳеч ким қарамасди. Нархи ошиб дўконда топилмас буюмга айлангандан кейин эса одамлар уни излашга тушишди. Унинг тағин нархи ошиб, бугун дўкон пештахталарини безаб турибди. Энди одамлар уйларида биллур сақлайдиган бўлдилар. Пулли тўгаракларни ҳам шунга ўхшатса бўлади. Пул билан ҳисоблангандан кейин ота-она фарзандини лаёқати бўлсагина тўгаракларга олиб келади. Ўқитувчи ҳам ўз ишига виждонан ёндошади. Тўгараклларимизда ҳар йили 120 га яқин хотин-қизлар бичиш-тикиш, бадиий кашта ҳунарини эгаллаб, гувоҳнома оладилар. Кейин билим олиш, касб-ҳунар ўрганишга сарфланадиган маблағ зое кетмайди.

— Шундай экан, тушкунликка берилишга асос йўқ. Чунки, касбимизнинг ўзи хайрли. Аммо сизни ҳам тушунаман. Раҳбарлик оғир. Меҳнат аҳлига фақат ўз фикрингиз билан муносабатда бўла олмайсиз. Боя қилган ноўрин таклифим учун...

— Йўқ, жуда ҳам ўринли таклиф экан. Ўйлаб қарасам, қўшимча тўгарак очишингиз фақат ўзингизга эмас, бутун жамоа аҳли учун манфаат келтиради. Мен ҳамиша суҳбатингиздан таъсирланаман. Бугун ҳам фикримни чархладингиз: фақат тадбиркорлик билангина иқтисодий танглиқдан чиқишимиз мумкин экан! Қўлимдан келганча ижобий ҳал қилишга ринаман.

Директор Муҳаррам опанинг хурсанд ҳолда чиқиб кетганлигидан енгил тин олди. Улар бир-бирларини тушунишган эди.

Бир-бирини англаш бошқа, ишни амалга ошириш бошқа, маданият масканларини, санъатни хўжалик ҳисобига ўтказиб, унинг ҳолига маймунлар йиғлаганини томоша қилиш бошқа. Буни жиддий ўйлаб кўрадиган вақт эса аллақачон етди.

Илҳом АҲРОР.

САЁҲАТГА ТАКЛИФ

Тошкентга келган бу меҳмонларни иссиқ, қуёшли обҳаво жуда қувонтирди. Улар шаҳар кўчалари ва майдонлари, хиёбонлари ва анҳор бўйларида сайр қилиб, меъморий ва қадимги ёдгорликлар, музейлар билан танишдилар. Сайр уларда унутилмас таассурот қолдирди. Уларда бу қадимги шаҳарнинг гўзаллиги ва ўзига хослигини бошқаларга кўрсатиб бериш истаги ҳам туғилди.

Бунда касб кўникмалари ўзини намоён этди: бу сафар экскурсоводлар саёҳатчи бўлишди.

Экскурсоводлар бутуниттифоқ кенгаши ана шундай ўзига хос «практика»дан бошланди. Улар учрашувнинг «назарий» қисмини «Чорсу» саёҳлар меҳмонхонаси мажлислар залида ўтказганликлари табиийдир. Бу ерда улар тажрибаларини, иш усулларини ўртоқлашдилар, янги иқтисодий шароитда саёҳлик ишини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Саёҳлик саноати ходимларининг бундай учрашувни ўтказиш жойини танлашда фақат об-ҳаво шароити аҳамиятли бўлмади, албатта. Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё минтақаси мамлакатимиз саёҳлари, хорижий туристлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда саёҳатларни ташкил этиш, қизиқарли маршрутларни ва маршрутларни танлашда катта тажриба тўпланган.

Шунинг учун кўпдан буён саёҳлик анъаналари билан машҳур бўлган мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларидан ва жаҳонга машҳур марказлардан, саёҳлик хизмати яқинда пайдо бўлган шаҳарлардан келган мутахассислар Тошкентда, Самарқандда, республикамизнинг бошқа шаҳарларида бўлишга ошиқдилар.

[ЎзТАГ].

Қатра

ЁДГОР

Бир куни Саври хола даладан тушга яқин қайтди. Унинг келганини пайқамаган келини айвонда ўғлини ухлатар эди. Ҳалал бермаслик учун она боғ томон йўл олди. У йўл-йўлакай юз-қўлини ювиш мақсадида қари тут тагидаги ариқ бўйига чўккалади. Шу пайт онанинг қулоғига келинининг мунгли овозда куйлаётган алласи эшитилди:

Умид қилиб умидимга етолмадим,
Қодиржоннинг васлини қайта кўролмадим,
Етим қўзим, ёлғиз овунчоғимни
Севган ёримдан ёдгор айладим
Кўрар кўзим алла-ё...

Онанинг кўз ўнги қоронғулашиб, ўтирган жойидан туролмай қолди. Шу тахлитда бир оз ўтиргач ўзини бардам тутишга уриниб айвонга чиқди. Невараси беланчакда ширингина ухлаб ётар, келини юзини янада оқарган, қадди букчайиб қолгандек туюлди.

Қодиржондан бир-икки ой деганда битта хат келар, бунда ҳам салом-аликдан нарига ўтмас, ўзи ҳақида ҳеч нарса ёзмас эди. Она «Майли ҳар ҳолда соғ-омон эканку» деб келинини юпатар эди.

Орадан кўп ўтмай Саври хола неваралик бўлди. Ойда бир келиб турадиган хат ҳам узилиб қолди. Онанинг кўнгли ташвишга тўлди.

Саври холанинг келин туширганига тўрт ой бўлди. Қайнона-келин бир-бирларига шундай ўрганиб қолишдики, Саври хола келини ишдан келгунча йўлига кўз тикиб ўтиради. Мастура алоқа бўлимида хат ташувчи бўлиб ишлайди. У меҳрибон қайнонасини ўз онасидек кўради. Қайнона ҳам ширинсўз келинидан жуда хурсанд.

Шундай осойишта кунларда қишлоқда «Гитлер уруш бошлабди» деган совуқ хабар тарқалди. Барча йигитлар қатори Саври аянинг ёлғиз ўғли Қодиржон ҳам кўнгилли бўлиб фронтга отланди. Она ўғлини вокзалда кузатар экан, кўзидан ёш аримас, унинг юзига қандайдир мунгли боқиб: «Ой бориб, омон қайт, ўғлим» деб пичирларди.

Қодиржон фронтга кетган кундан бошлаб Мастура ўйчан бўлиб қолди. Онанинг назарида уй ҳувиллаб қолган эди, ўғли гўё ўзи билан хонадон қувончини олиб кетгандек эди. Келини ишга кетганда ҳовлида ёлғиз қолган онани ваҳима босарди. У бекор ўтирмаслик учун ҳарна бўлса ҳам колхозга фойдам тегсин, деб далага чиқиб кетди. Мастура бир куни хурсанд қиёфада кириб келди. Ошхонада кечки овқатга ўннаётган она келинига пешвоз чиқди.

— Ойижон, суюнчи беринг, Қодиржон акамдан хат келди.

Мастура ён чўнтагидан учбурчак хат олди. Саври хола бу хабардан хурсанд бўлиб кетди ва «ўқинг, болам» деб унинг ёнига чўкди. Хатда ўғли соғ-омон эканлиги, бораётган шиддатли жанг ҳақида баён қилган эди. Мастура хатни ўқиб бўлгач онасига қаради. Онанинг кўзларида ёш ҳалқаланар эди. Унга ўғлини фронтга жўнатгандан бери шу қисқа фурсат ичида онанинг сочлари кафтлари билан бекитганча йиғлаб ўтирарди. Онанинг ортиқ сабри чидамади.

— Сизга нима бўлди қизим? —Саври холанинг титроқ товуши Мастурани ҳушига келтирди. У сапчиб ўрнидан туриб кўзларини яширди.

— Нега йиғлаяпсиз? Мендан ниманидир яшираётганга ўхшайсиз...

Неча ойлардан бери дардини ичига ютиб, ич этини еб юрган Мастура бугун юрагидаги аламини қайнонасига ўзи сезмаган ҳолда билдириб қўйган эди. У онанинг юзларига тик боқолмас, юзини унинг бағрига босганча ўкраб-ўкраб йиғларди.

— Ойижон, мени кечиринг, —деди бир неча дақиқа ўтгандан сўнг алам билан, улардан 5 ой илгари, Ёдгор туғилмасдан сал олдин қора хат келганди. Кейинги ёзилган хатларнинг ҳаммасини ўзим ёзгандим. Шундай қилсам яхшироқ бўлар деб ўйлагандим, кўнглингизга озор беришни истамаган эдим... Яхши кунлар келганда ҳаммасини тушунтириб берардим деб ўйлагандим.

Мудҳиш хабардан юрак бағри хун бўлган онаизор ёш тўла кўзларини бир нуқтадан узмай, ўз-ўзига гапиргандек:

— Мард ўғил ўстирганимдан ва сиздек келиним борлиғидан фахрланаман. Балли, қизим, раҳмат сизга, ўз меҳр-муҳаббатингиз билан белимга қувват, кўзимга нур бердингиз,—дея олди холос. Ёлғизгина ўғлидан ёдгор бўлиб қолган беланчакда ётган невараси уларнинг гапларини тушунгандек йиғларди...

... Набираси Нодиржонга парвона бўлаётган ўғли Қодиржон билан келини Маҳбубахонларга қараб туриб Мастура хола шуларни ўйлади.

Феруза РАСУЛМЕТОВА.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигига бағишланган кўргазма катта муваффақият билан намойиш қилинмоқда.
СУРАТДА: кўргазма залида.
Ҳабибулло Шодиев сурати.

Билиб қўйган яхши

НОН-ДАВО

- ОШҚОЗОНИ бузилиб ичи кетаётган ёки ичбуруғ касалига чалинганда бир кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, сўнгра бир пиёла қатиқ ичиб юборилса, касаллик тўхтайди. Ёки қаттиқ нон талқонини қатиққа қориштириб истеъмол этиш лозим. Бу ичбуруғ касалининг давосидир.
- ХАМИРИ сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтади, бироқ ортиқча тўйиб емай, оз-оздан тамадди қилинса фойдалидир.
- АЛ-РОЗИЙ ҳам, Ибн Сино ҳам нонни сутга тўғраб еб юрган кишининг ҳазмлаш аъзолари фаолияти яхшиланиши ҳамда ранг-рўйи тиниқ ва чиройли бўлишини кўп марта таъкидлашган.
- МИЛКЛАРИ қочиб, тишлар бўшаша бошласа, қаттиқ нон чайнаш лозим.
- ТАНДИРДАН узибоқ оф-тобда қуритилган оби нон ёки ширмой нон ич кетганда, ҳатто қон аралаш ич кетишдек юқумли касалликка шифо бўлади.
- САРИҚ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиши керак.

Мутал АСРОРХЎЖАЕВ тайёрлаган.

ОСМОННИНГ ЭГАСИ

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

«Э, кароматингдан, тавба қилдим, гуноҳга ботмай тағин, — Танбал ўзидан-да жирканиб яна қумга тупурди, — ҳечқиси йўқ, — деб далда берди ўзига, — ўзим даволайман буни, тузатаман...»

— Этигимни торт! — у қумга ёнбошлаб, ўнг оёғини Эркинга узатди, Эркин тиз чўкиб, Танбалнинг этигига қўл чўзди. «Башарасига тепсам» кўзини чирт юмиб, ижирғанди Танбал. Кўзини очганида этиги Эркиннинг қўлида турар эди. У шу кўйича бошини қумга кўйди-да, иккинчи оёғини узатди. «Э, кароматингдан, — деб ранжиди, — дунё дунё бўлсанг, сиринги пинҳон тутма-да, мен англаб кетай, агар мен одам бўлсам, сен ҳам кимлигимни бил-да!.. Мана бу бола, мана бу Эркин ким бўлди? Уни синашга ҳаққим борми менинг? Йўқ! Ҳа!»

Уни «Ҳа!» йўлдан оздирди. Шимини тиззасига довур тортди-да:

— Оёғимни уқала, Эркиной, оёғимни уқала, — деди. Кўзини юмиб ётди. Қайноқ қум аъзойи-танини қиздирди. Бармоқлари мушт бўлиб тугилди. Шу ер — Танбал чўзилган, Эркин эса унинг узатилган оёғини уқалаб ўтирган ер иккисига ҳам тенг, бир хилда қадрдонми? Ер деб бош қўйгани сароб ё бир рўёмасмикин? Йигирма чоғли боладан нега ёлғиз Эркин Танбалнинг оёғини уқалайди? Эркин... Эркин... Сен кимнинг болаисан?..

* * *

ТУНДА у чодирга яқин қўйилган йиғма каравотида босинқираб уйғонди. Тушида Танбални ечинтириб, қора кигизга ўрашган, тақир супада думалатиб, тепиб-тепиб очишсаки, танасида ёпишган узуқ-юлуқ намат парчалари тушмасмиш. Оёқ остига ёйилган кигиз эса илма-тешик...

Танбал баданига чиндан ҳам кигиз нимталари илашгандек, жон ҳолатда кўкраги, оёқларини сийпалаб кўрди. Қўнгли бир қадар таскин топиб, қайта-қайта «шукр» деб жойига чўкди. Бош учига қўйиб ётган таёғига қўл чўзди. Қайта ухлаёлмади. Наридан бери юриб, туши ҳақида ўйлади, «Хосиятсиз туш кўрдим, қилмишимга яраша жазо бу туш... Танбал, сен худомидингки, Эркинни синасанг, отаси бўлак, онаси бўлак сен унга бор-йўғи бир ҳафта, ошиб борса, ўн кун бош-қош...»

Юриб-юриб шундай важ топди: «Раис сўкмасин эди. Шу тирранчаларни деб раис онамни... Э, барига энағар Эркин сабаб бўлди. Тусига... шу бир парча қоғозни, сабр қил оласан, шаҳарга ҳам борарсан...»

Пешинга яқин Танбал Эркиндан яна бир қусур топди. «Овози ипакдай, аёлтахлит». Ўйлаб-ўйлаб, бунинг чорасини ўзича топган бўлди. Тушликдан сўнг болаларга Эркинни улкан саксовулни қучоқлатиб боғлатди-да, буюрди:

— Эркиннинг гуноҳини биласанлар-а, чақимчилик айб эмас — гуноҳ, оғир гуноҳ! Ҳар қайсинг қудуқдан икки челакдан сув торт. Бошидан қуямиз, гуноҳи ювилсин...

Сув тўла биринчи челакни Танбал қўлига олатуриб, Эркинни огоҳлантирди:

— Сен кўрқма, Эркиной, мен ва жўраларинг бир бўлиб, сени даволаймиз. Шамоллаб очилсанг, овозинг йўғонлашади, мана булар тахлит дўриллаб гапирасан. Шунда сени Эркиной эмас, Эркин деб чақираман.

Бошидан қирқ челак сув қуйилгач, Эркинни саксовулдан ечишди. Танбал уни офтобда турмасин учун бир ўзини чодирга қамади, чиқмасин дея, тайинлаб, икки тенгқурини соқчиликка қўйди. Эшикда туриб, муолажа йўриғини тушунтирди!

— Эркиной, совқотиб аксирсанг — бўкир, уялма, эўриққанингни ҳеч ким эшитмайди. Томоғ парданг йиртилса, овозинг гулдираб чиқади. Сал қулоғингга зўр тушади, зарари йўқ, за то яркакка ўхшайсан...

* * *

ТАНБАЛНИНГ одатлари бор бўлсин, «за то» деб сўзлашни у ошнаси Мўмин Нозимдан ўрганган. Сал бўлмаса, унутаёзди. Сафга аскар бола Малик қўшилди-ю, у яна «за то»ни ёдига солди. Ҳотам номига қўшиб, Танбал дейишса-да, у жуда нозик феъл. Қишлоғида шаҳар кўрган, палончиман, деса, кишининг ҳавасини қўзғайдиган ҳамтенглари йўқ эмас. Шундайлардан бири ошнаси — Мўмин Нозим. Аслида у билан ошначилиги йўғу — тенгқур, қишлоқда бирга ўсишган. Унинг тўлиқ исми-шарифи — Мўмин Нозим Ҳусанқул ўғли. Бирда район пахта режасини бажарганида ҳаваскор қаламкаш билан ҳамкорликда шеър битиб, остига М. Н. Ҳусанқул ўғли деб имзо чеккан. У талай касб-корга ўралашди, охирида бахти чопдими ё қурғурнинг ўзи зўрми, район рўзномасида муҳаррир ўринбосари лавозимига минди. Сал оқсаб юриши — бир оёғининг калталигини айтмаганда, ўзи суқсурдай йигит. Оқсоқлигига аввало ўзи, сўнг нафси сабаб бўлган. Болалигида тут ёйман деб дарахтдан йиқилган... Майли, шўхлиги ўз йўлига, олифталигини денг, улғайди ҳамки, шу-шу! Кўк барра теридан тикилган қулоқчинини қошига довур бостириб, қаддини тик тутиб юрсами, Мўминга тенг келадигани йўқ. Тополмайсиз. Масъул идораларда, мажлису йиғинларда ўзини тутишга ноғлайди-ю, лекин оёқ оқсаса қийин экан, қад ўлгур ҳадеганда ройингга бўйсунмайди. Оёқ босганида, елка бешикдек тебраниб, Мўминни узоқдан элга ошкор этади, танитади. Майли, гап бунда ҳам эмас, бўйинг пакана бўлсин, оёғинг чўлоқ—кичкина амалинг бўлса, бас экан, ҳеч ким Мўмин Нозимни чўлоқсан деб бетига солмайди. Орқаворотдан бир-ярим шундай гап эшитгану, лекин эшитмаганга олган. Рост-да, гапи бўлса, қўрқмаса, юзига айтсин. Шундай деймиз-у, барибир, тўғри гап отанга ҳам ёқмайди. Тўғри гапни айтмаган маъқул. Мўмин Нозим бу ҳақда хўб ўйлаган, ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келган. Беайб паравардигор, деганлар, Мўмин Нозим ҳам ўзига яраша хислатли одам-у, баъзида бошлиғига тақлид қилади. Бошлиқ бировни кўр деса, кўр дейди, кал деса, кал, Ўзининг эса кимлигини унутади. Шундан уни Лаққа, Лаққа балиқ ҳам дейишади. Ҳотам Танбал унинг сузганини кўрмаган, лекин айтишларича, Мўмин сувда тиккасига сакраганда, унга бас келиш мушкул. У сувда кўп ўйин кўрсатган, томоша берган, териси силлиқ, — сирпанчиқ, қўлга турмайди, қочади. Бир балиқ бўлса, Мўминчалик бўлар. Одамлар қизиқ-да, сувда тинчина сузиб юрган балиқни ҳам қўйишмайди-я? Йўқса, Лаққа балиқ билан Танбалнинг ошнаси Мўмин Нозим ўртасида қанча фарқ бор?

Булар бари ўтиб кетаверсин, Мўмин Нозимнинг айтса, айтгулик фазилати кўп: бири — бошлиғи ҳушламаган кишини ўзининг душмани деб билади. Йигит шундай бўлиши керак. Гапига кирадиган жўраларига шундай ўгит берган, Танбал буни ўз қулоқлари билан эшитган: «Ҳас бўлсин, хашак бўлсин, бошлиқми — бошлиқ. Бетга қарама, юзга сапчима, гапини гап де, бажар, бошингни эг...» Ҳеч ким Мўмин Нозимга бу ўгитларни ўргатмади, кироли донолигидан ўзи уққан. Мўминнинг донишлиги шунда. Шундан уни бошлиғи ҳеч қозиқдан ечмайди, қўйвормайди, ёнидан бир қадам бўлсин, силжитмайди. Йўқса, теваракда одам камми, мўмину муслимликда Мўмин Нозим танҳо.

Бошлиқ ҳам бегонамас, ҳамқишлоқ, отаси қазо қилганида қишлоқчилик, урф-одат — барча қатори Ҳотам Танбал ҳам таъзияга борди. Кўрсаки, даровазахонада азадорлар қабатида Мўмин Нозим ва яна бир сариққина бола (бошлиқ унда ўзининг «иқтидор»ини кўради) тўн кийиб, бел боғлаб туришибди. Танбалнинг кулгиси қистади, лабини тишлади, зимдан уларга қараб ўтди, ўзича тавба қилди: «Ҳеч кимни худо шу кўйга солмасин...» Одатда, марқумнинг энг яқинлари бел боғлаб тўн кийишади, аза тутишади. Мўмин Нозиму сариққина бола марҳумга на ўғил, на қавму қариндош? Танбалнинг боши қотди. Мулла тиловатини тугатди ҳамки, сезмай мум тишлаб ўтираверди, охири кимдир уни туртди...

Чиқаётиб у ошнасидан ҳол сўрган бўлиб, қулоғига:

— Қутлайман, отанг ўлибди, — дея шивирлади. «Азадор» сариққина бола кўришмоқчи бўлиб, қўл чўзган эди, Танбал кўрмаганга олди. Ким билсин, қўли ҳалолми, ҳаромми? Шу пайтда Мўмин Нозимнинг йўлини тутибдими, унга ишониш мушкул...

(Давоми бор).

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва Тошкент техника дорилфунунида таълим олмоқчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИИДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфни битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар Тошкент техника дорилфунунига ўқишга юбориладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар, 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефон: 41-57-54.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

22-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«кенг қамровли тикувчи» ихтисоси бўйича тажрибавий гуруҳга

1992 йил учун қўшимча

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1,5 — 2 йил.

Ўрта мактабни битирган ҳамда тикиш-бичишни яхшилаб ўрганиб олишни истайдиган йигитлар ва қизлар қабул қилинади. Йигитлар Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгандан кейингина қабул қилинадилар.

Ўқиш вақтида 80 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юрти маъмурияти шу гуруҳ битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Машғулотлар — 1992 йил 1 февралда бошланади.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй («Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси биносининг орқасида).

Транспорт — 9, 18, 21, 24, 26, 47, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 25, 28-трамвайлар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-62-41, 34-01-46.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАН ЙИГИТЛАРНИ ВА ЎСМИРЛАРНИ

учиш аппаратларининг йиғувчи чилангарлари, механика-йиғув ишлари чилангари, металлга ишлов берувчи, токарлик мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқувчиларга ойига 150 сўмдан стипендия берилади.

Яшаш жойига муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма оладилар. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар — мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

Машғулотлар гуруҳларнинг тўлишига қараб 1992 йил 1 январдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, аттестат, паспорт, 6 донадан 3х4 ва 4х5 см.ли сурат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (6, 29-трамвайлар; 30, 110, 119, 151, 192-автобуслар нинг «Билим юрти» бекати).

ТЕЛЕФОН: 96-58-20.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ШАҲАР ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими кузги-қишки даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш зарурлигини ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Ёнғин рўй беришининг олдини олиш учун қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга қатъий амал қилиш керак:

— ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситаларини, кимёвий ўт ўчиргичларни тайёр ҳолга келтириб қўйинг ҳамда иситиладиган хоналарга ўрнатинг;

— ўт ўчириш-қўриқлаш соқчилиги ва кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари ихтиёридаги мавжуд жанговар бўлинмаларнинг ўт ўчириш машиналари ва мотопомпаларни ёнғин хавфи кўпроқ бўлган қишки даврида тўлиқ бут қилиб қўйинг;

— барча иморат ва бинолардаги асосий ҳамда қўшимча чиқиш эшикларини доимо очиқ тутинг:

— бино йўлакларида, зинапоя тагларида, ертўла ва том оралиқларида тез ёнувчан ҳамда ёнилғи суюқликларини сақлашга йўл қўйманг ёки уларни уй-жойларда, хонадонларда сақламанг;

— электр ва газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;

— ҳудуддаги кириладиган катта эшик ва ўтиш йўлларини тўсиб қўйманг.

Шу билан бирга шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари бир қатор тадбирларни амалга оширишлари керак:

— маҳаллий давлат ёнғин назорати органлари билан ҳамкорликда ишчилар ва хизматчиларга ёнғинга қарши йўриқномалар бериш, жойлардаги радиотармоқлар орқали суҳбатлар ташкил қилиш;

— қишки даврда ёнғин рўй бергудек бўлса, одамларни олиб чиқиб кетиш режаларини ишлаб чиқиш;

—ёнғин хавфсизлиги тартиб-қоидаларига амал қилиш устидан қатъий назорат ўрнатиш ва бу ишга кўнгилли ўт ўчириш дружиналарини жалб қилиш, шунингдек, ёнғин рўй берганда ёнғиндан сақлаш бўлимини қандай чақириш тартибини аниқлаш лозим.

ШАҲАР ФУҚАРОЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ БИЛИШЛАРИ ШАРТ:

— барча иситиш ускуналарининг мосламалари фақат кўнгилли ўт ўчириш жамиятининг ва хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш бошқармасининг малакали печкачилари ёрдамида ишга туширилади (маълумотлар учун телефон: 67-98-59);

— ҳар иситиш мавсуми олдидан иситиш ускуналарини соз ҳолда ишлаш чораларини кўриш учун мутахассисларни таклиф қилиш;

— Яна шунингдек, печкаларнинг ишга яроқлилигини кузатиб бориш, уларнинг қизиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда қаровсиз қолдирмаслик;

— печкани ёндиришда тез ёнувчан ва ёнилғи суюқликлари (бензин, керосин ва бошқалар)ни қўллаш қатъиян ман қилинади, печкаларнинг эшиги очиб ёқилади, печканинг устида ва яқинида кийимларни қуритиш ҳамда тез ёнувчи нарсаларни қўйиш тақиқланади, шунингдек кичик ёшдаги болаларга печкани ёндириш ва кузатишга рухсат берманг;

— ёнувчан нарсаларни (хашак, сомон, ўтин ва шунга ўхшаш нарсалар) уй-жойларнинг томларида ҳамда том оралиқларида, яъни тутун чиқиш мўрилари бор жойда ғарамлаш тақиқланади;

— мебель ва бошқа ёнувчи манбалар ва нарсалар ёнаётган печкадан камида 0,7 метр масофада жойлашиши керак;

— уйларни иситиш учун ясама электриситгич асбоблари ва газ плиталарини қўллаш қатъиян ман этилади;

агар уйда болалар катталар назоратисиз қолган бўлса, эҳтиёткорлик чораларини кўриб қўйинг: ишончли, болалар ололмайдиган жойларда гугуртни сақлашни белгилаб қўйинг; электриситгич асбобларини ўчиринг ва йиғиштириб олиб қўйинг.

Шуни эсда тутинг: болалар катталарга тақлид қилиб гугурт ўйнаб кўпинча ёнғин айбдорлари бўладилар, баъзида эса уларнинг қурбонлари бўладилар.

Ёнғин рўй берганини билишингиз билан, дарҳол «01» телефонига қўнғироқ қилиб, ёнғиннинг аниқ манзилини кўрсатинг, нима ёнаётганлиги ва ким ўт ўчирувчилар бўлинмасини чақираётганлигини айтишни унутманг.

Шу вақтнинг ўзидаёқ мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга киришинг. Агар бинода одамлар қолган бўлса, уларни олиб чиқишни ташкил этинг. Ўт ўчириш бўлинмаси келиши билан уларни қутиб олишни таъминланг, ёнаётган ёки тутаётган иморат ва бинодан ҳамма одамлар олиб чиқиб кетилганми, йўқми — ана шулар тўғрисида зудлик билан ахборот беринг.

Ўртоқлар! Эҳтиёткорлик чораларига фақат қатъий риоя қилсангизгина Сиз хоҳ уйингизда, хоҳ ишлаб чиқаришда бўлсин, ёнғин рўй беришининг олдини олишингиз мумкин.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ БИНОСИДА

(Хадра майдони)

7 НОЯБРДАН БОШЛАБ «ОВЧИ» СОВЕТ-ҲИНД ФИЛЬМИДА СУРАТГА ТУШГАН ГРАНТУ АЙИҒИ ИШТИРОКИДА НИНА ВА МАРИНА ПУЗАКОВАЛАР РАҲБАРЛИГИДАГИ

«УРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР»

ЯНГИ ДАСТУРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА

РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР

Томошалар соат 18.30 да; 7, 8, 9, 10 ноябрь соат 11, 14, 17.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинади. Қишлоқ жойларидан келган аҳолига навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Цирк фойесида шошилинч сураткашлик устахонаси ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

«ЮБИЛЕЙ» КОНЦЕРТ-СПОРТ МАЖМУИ

8 ВА 9 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

ВА «НА БИС» ТЕЛЕ-ШОУСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ:

— «БЕК» РОК-ГУРУҲИ,
— Наргиза ЗОКИРОВА,
— «ШАҲЗОД» ГУРУҲИ,
— «ЭСКИ ШАҲАР» ГУРУҲИ,
— «ЎЗБЕКИСТОН» гуруҳи,
— Дима ГЕРАСИМОВ,
— Александр РУДЬ,
— «ОСМОН» гуруҳи,
— «ЮЛДУЗЛАР» гуруҳи,
— Достон УБАЙДУЛЛАЕВ,
— «БОЛАЛАР» дуэти,
— «УЙ ИШИ» рок-гуруҳи,
— «ШАМС» гуруҳи,
— «ТУРОН» гуруҳи,
— «ҚАРС» гуруҳи,
— «ЗИЁД» гуруҳи иштирокида

ЯНГИ ҚИЗИҚАРЛИ ҚУНГИЛОЧАР ТЕЛЕВИЗИОН ТАНЛОВ ДАСТУРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИЛАР

Концертни олиб борувчилар — ПАВЕЛ ЕСЬКОВ ВА ЖАВЛОН ТУХТАЕВ.

Дастурда янги телевизион самара таъсиридан фойдаланилади.

Чипталар «ЮБИЛЕЙ» спорт саройи кассаларида ва ваколатли кассирлар ва тарқатувчилар томонидан шаҳарда сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31, 46-32-78.

ТЕАТР

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7 XI да Тоҳир ва Зуҳра, 8/XI да Корсар, 9 XI да Флория Тоска, 10/XI да Чиполино (12.00), Оловли фаришта 19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 6/XI да Мирзо Улуғбек, 7/XIда Куёв, 8/XI да А. Навоий, 9/XI да Жар, 10/XI да Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚА ЛИ ТЕАТРИДА — 6/XI да Муҳаббат навоси, 7/XI да Дардимни айтаман, куласизми?, 8/XI да Дардимни айтаман, куласизми? 9/XI да Куёвлар конкурси, 10/XI да Юсуф ва Зулайҳо.

КИНО

6 НОЯБРЬ

Фурқат — «УЙҚУДАГИ ИТЛАРНИ УЙҒОТМАНГ» (18.30, 20.45).

Тошсовет — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (тоқ соатларда).

Ёшлик — «НЬЮ-ЙОРК, ЭРТА СОАТ 4» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ИЛОНБОШИ» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ОКЕАН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Тошсовет — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (тоқ соатларда).

Ёшлик — «НЬЮ-ЙОРК ЭРТА СОАТ 4» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ИЛОНБОШИ» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ОКЕАН» (18.30, 20.40).

Нукус — «О К Е А Н» (17.30, 20.00).

7 НОЯБРЬ

Фурқат — «УЙҚУДАГИ ИТЛАРНИ УЙҒОТМАНГ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Тошсовет — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (тоқ соатларда).

Ёшлик — «НЬЮ-ЙОРК, ЭРТА СОАТ 4» (жуфт соатларда).

Лисунов номли — «ИЛОНБОШИ» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ОКЕАН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

Нукус — «ОКЕАН» (12.30, 15.00, 17.30, 20.00).

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат вазирлигининг «Файз» Тошкент мебель ва ёғочга ишлов бериш ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори С. А. Султоновга ақраси

Мирзаахмад СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент темир йўли қошидаги почтамтнинг жамоаси шу соҳа раҳбарининг собиқ ёрдамчиси, жумҳурият алоқа тармоқлари ва корхона меҳнат ветерани

Хайрулла Эргашевич ЭРГАШЕВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати, жамоат ташкилотлари ва «Амалий механика» таҳсилгоҳи жамоаси катта ўқитувчиси А. Р. Ҳўжаевга рафиқаси

Волида ҚАРОМАТХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

1992 йил учун «Оқшом»га обуна давом этмоқда. Йиллик обуна нархи—25 сўм 68 тийин, ярим йилга—12 сўм 84 тийин. Нашр кўрсаткичи—64690.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Ҳамма эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41

78.478 нусхада чоп этилади. Нашр кўрсаткичи 64690. Буюртма 6283. Босмага берилди 12.15. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10